Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛҚ СЎЗИ

خلق سوزی

ҲИЖРИЙ: ҚАМАРИЙ, 1412 ЙИЛ, ЖУМОД АЛ-АВВАЛ, 8-КУН.
ШАМСИЙ, 1370 ЙИЛ, АҚРАБ, 26-КУН.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 15 ноябрь, жума, 221-сон | НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН. СОТУВДА 10 ТИЙИН.

МУШТАРИЙГА МУРОЖААТ

«ХАЛҚ СЎЗИ»— СИЗНИНГ РЎЗНОМАНГИЗ

Ҳозир ҳеч қандай сир-асрорни яшириб бўлмайди. Жумладан, рўзномамиз ўртаниб кечирган ташвишларни ҳам, Маълум ва номаълум сабабларга кўра у бетобликка учраганида ғўза эндигина гулга ўтирганди, шифо топиб оёққа тура бошлаганида пахтанинг охирги толалари йиғиб олинарди. Орадан бир юз беш кун ўтди. Жамоанинг бошига не савдолар тушганини, мурғак нашр хусусида муштарий не фикрларга борганини, ҳамма ишга салавот деганларидек, унутайлик. Ҳаётнинг қудратли оқими жондору жонсизни даволаши ва поклашига шак келтирмайлик.

«Халқ сўзи» бугун кўзи очилган, эсини таниган, яхшию ёмонни фарқлай оладиган, ҳақиқат, ростгўйлик, эллпарварлик камарини белига маҳкам боғлаган навқирон қиёфасини кашф этиб турибди. Лекин унинг бундан кейинги нуфузи, обрў-эътибори, таъсири — нафақат шулар — ҳатто тақдири Сизнинг, ҳа, айнан Сизнинг қўлингизда. Бозор иқтисодининг, аввало россиялик қоғозфурушларнинг наҳангликидек комидан, матбаа хизмати, рўзномани тарқатиш нархлари ақлни лол қолдирадиган, ҳар қандай бойваччанинг белини синдирадиган даражада кўпчиб-чўпчиб турганидан омон қолиш мушкул. Албатта, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, ҳукумат рўзнома таъминотига имкону илож борича маблағ ажратадилар, уни оч-яланғоч қолдирмайдилар, бироқ бечораҳол ота-она бир этак фарзандларини тишига тишлаб чиқиши учун ёрдамга муҳтож бўлганидек, биз ҳам Сизнинг мададингиздан умидвормиз. Гапнинг индоллоси шуки, «Халқ сўзи»га ёзилишингизни илтижо ила сўраймиз. Ўйлаб қаранг: ўтган йилнинг шу пайтида обуначилар нашримиз шаклу шамойилини кўрмаган эрсалар-да, уларнинг сони 100 мингга борганди, бугун эса 48 мингга аранг етди. Албатта, бундай таназзулга биринчи галда ўзимиз айбдор: Сиздан бироз узоқлашдик, дидингизга мос ишламадик, дилингиздагини ёзолмадик, саҳифаларни кўпинча расмий хабарлар билан, бошқа рўзномаларникидан фарқ қилмайдиган даражада чиқардик ва ҳоказо қусурларимиз бор. Ишонтириб айтамиз: эсинг борида этагингни йиғиб ол деганларидек, бундан буён ақлу ҳушни жойига қўйиб, фақат Сизнинг манфаатингизни ўйлаб, ўткир, кескир, нуқул ўқимишли мақолаларни берамиз, қўлимизга тушган бирор хат-хабар, бирор арзу шикоят эътиборсиз қолдирилмайди. Сўзимиз чин, бизга ишонинг.

Обуна мавсумини — роса уч ярим ойни, масалларда битилганидек, қарға каби қағриллаб, қўлни совуқ сувга урмай, ўзимиз — бандалар жонни заррача қойитмай, Аллоҳдан баракат кутиб ўтказганимиз гуноҳи ҳам бўйнимизда. Сизнинг ҳузурингизга бормаганимиз, юзма-юз гаплашмаганимиз учун тавба-тазарру қиламиз.

Келинг, азизлар, илтижомизни қабул этинг ва рўзномамизга ёзилинг. Обунани расмийлаштириш муҳлатини 15 декабргача чўзишни Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигидан сўраймиз ва бу илтимосимиз инобатга олинишига ишонамиз.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЖАМОАСИ.



«Халқ — халққа» жаҳон жамоатчилик ташкилотининг «Дўстлик карвони» аъзолари бародарлик алоқаларк ва амалий муносабатларни ривожлантириш учун Самарқандга келдилар.
СУРАТДА: «Дўстлик карвони» аъзолари Регистонни томоша қилмоқдалар.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

● Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг раиси Шушкевич ва Озарбайжон Президенти Муталибов Минск шаҳрида ҳар икки республика ўртасидаги шартнома ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги битимни имзоладилар.

● Рейтер агентлигининг хабар беришича, Жохар Дудаев журналистларга ягона Чечен-Ингушетия Республикасини барпо этиш, шунингдек республиканинг Россия таркибига кириши масалалари юзасидан референдум ўтказишни режалаштираётганини айтди. «Агар Россия чечен халқининг мустақиллиги ва ҳуқуқларини эътироф этса, — деди у, — ишончим комилки, аҳолининг аксарияти Россия таркибидаги иттифоқдош республика мақомини ёқлаб овоз беради».

● Петербург прокуратураси мэр Собчакнинг шаҳар ва район судлари, ҳакамлик суди ва шаҳар адвокатлар ҳайъатини Петербург мэриясининг юридик комитети тасарруфига ўтказиш ҳақидаги фармойишига нисбатан норозилик келтирди ҳамда бу ниятнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйди.

● КПСС архивларида В. И. Ленин ва Октябрь инқилоби билан боғлиқ 6-7 минг ҳужжат сақланаяпти, шундан 4 мингтаси унинг қўли билан ёзилган, деди профессор, генерал-майор В. Пономарёв. У РСФСР Олий Кенгашининг КПСС ва КГБ архивларини топшириш-қабул қилиб олиш бўйича комиссияси таркибига кирган. «Моҳият-эътибори билан у дарсликдаги образдан анча йироқ «номаълум» Лениндир», — деди профессор.

● Германиядаги йирик банклар Совет Иттифоқининг ташқи қарзларини тўлаш муддатини узайтиришга қаршилик билдирдилар. ДПА агентлигининг банк доираларини тилга олиб хабар беришича, уларнинг фикрига қараганда, шундай қилиш, СССР ташқи қарзларининг асосий қисми ўз ҳиссаларига тўғри келадиган Германия кредитчиларини қийин аҳволга қўйишдан ташқари қарздорнинг ҳам обрўсига катта путур етказган бўлур эди.

● Танзаниянинг собиқ Президенти Жулиус Ньерере Африка давлатлари Африка Қўшма Штатларини ташкил этишлари ҳамда шу тариқа ўзлари учун тараққиёт шароитини таъминлашлари зарур, деб айтди.

● СССР терма командаси чоршанба куни Кипрда ана шу мамлакат футболчиларини 3:0 ҳисобида ютиб, очколари сонини 13 тага етказди ҳамда саралаш гуруҳида биринчи ўринни эгаллади. Тўпларни Протасов, Юран ва Канчельскис киритдилар. Командамиз келаси йил ёзида Швецияда ўтказиладиган Европа биринчилигининг финал мусобақаларида қатнашиш учун йўлланма олди.

Шунингдек, Англия терма командаси ҳам финалга чиқди. У сўнгги саралаш ўйинини Польша командаси билан ўтказиб, 1:1 ҳисобида дуранг қилди.

● РСФСР Ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, федерал канцлер Хельмут Кольнинг таклифига биноан Россия Президенти Борис Ельцин 21—23 ноябрь кунлари ГФРга ташриф буюради. У Бонн ва бир қатор федерал вилоятларда сиёсий музокаралар олиб боради. Ҳозирги вақтда сафар дастурининг ижро-чиқирлари аниқланаяпти.

● Еқутистон республикада қазиб олинаётган олмос ва олтинларни Москвага етказиб беришни яна йўлга қўйди. Аниқроғи, улар энди тарқаб кетган Иттифоқка эмас, балки Россияга мўлжалланган. Валюта хом ашёсини чеклаш тўхтатиб қўйилган сентябрь ойидан буён Еқутистонда 5 тоннага яқин олтин тўпланиб қолди, деб хабар беради ваколатли манбалар.

● Эстонияда 1992 йил мартидан бошлаб квартира ҳақи тахминан уч баравар ортади. Республика ҳукумати ана шундай қарор қабул қилди.

● Швеция, Норвегия, Исландия ва Финляндия молия вазирларининг Дания Молия вазирлиги ваколи ниятирокида Хельсинкида бўлиб ўтган мажлисида эълон қилинишича, шимолий мамлакатлар ҳозирги босқичда Эстония, Латвия ва Литвага ёрдам кўрсатиш учун ўз инвестиция банкини барпо этиш ниятида эмаслар.

● Қозоғистон мусулмонлари раҳбари Ратбек Нисонбоев республикада Ислом партиясини тузиш ҳақидаги ғояни қўллаб-қувватлашни қатъиян рад этди.

(ТАСС ва марказий рўзномалар материаллари асосида тайёрланган).

МУШКУЛОТ ЕЧИМИ АСТОЙДИЛ МЕҲНАТДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВнинг Фарғона вилоятида бўлиши

Бутун мамлакатда ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ҳатто миллий инқироз ва танглик тобора чуқурлашиб бораётган, пулнинг қадрсизланиши, турмушнинг оғирлашуви кун сайин яққол сезилаётган бир пайтда фарғоналиклар саросимаю ваҳимага тушмай, аҳиллик билан ишлашга, халқимиз асрлардан бери кутган мустақилликни ҳалол, фидокорона меҳнат билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилишаяпти. Пахта тайёрлаш режаси республикада биринчилардан бўлиб уддаланди. Мўлжалдагидан 32 минг тонна зиёд, жами 436 минг тонна хом ашё жамғарилди. Саноат корхоналари, қурилишларнинг жамоалари аввалги йиллардаги ўсиш суръатларини сақлаб қолишга интилишаяпти. Бу тармоқларнинг бир маромда, барқарор ишлаётганликлари секин-аста кўзга ташланаяпти.

Ўтган куни Фарғонага ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов тайёрагоҳаноқ Фарғона районидаги Ленин номли жамоа хўжалигига йўл олди. Анчайин пешқадам ҳисобланган бу колхозда пахтачилик батамом ижарачилар қўлига топширилган. Дала ишлари, айниқса ҳосилни механизмлар ёрдамида йиғиштириб олишда бу ерда яхши тажриба тўпланган. Баҳорги табиий қийинчиликларга, чигит қайта-қайта экилганига қарамай, пахта тайёрлаш режаси барвақт бажарилди. Ҳосилнинг 85 фоизи зангори кемаларда териб олинди. Жамоа бошқаруви раиси Оловудин Сатторов эришилган ютуқлар, галдаги вазифалар, мавжуд қийинчиликлар хусусида муфассал гапириб берди. Шунингдек, у белгиланганидан ортиқча етиштирилган ҳосилни сотишда кўндаланг бўлиб турган муаммоларга тўхталиб ўтди.

Қувадаги учрашувлар яқинда фойдаланишга топширилган улкан бозордан бошланди. Бир миллион 200 минг сўмга бунёд этилган бу савдо маскани Шарқ меъморчилигининг энг яхши анъаналари асосида қурилгани, ўзига хос архитектураси билан эътиборни тортади. Бозор бир йўла 15 мингдан ортиқ харидорга хизмат кўрсата олади. Ислом Абдуғаниевич бозорга зарурат туфайли келганлар, сотувчилар билан суҳбатлашди. Президент республика раҳбарияти иқтисодиётни соғломлаштириш, халқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини тобора кенгроқ қамраб олишга интилаётгани, тангликдан қутулиш, иқтисодни барқарорлаштириш йўлида олиб бораётган ишлар ҳақида сўзлади. Йиғилганлар нарх-наво тобора ортиб бораётган, тақчиллик, етишмовчилик хуруж қилаётган, очарчилик тўғрисидаги ваҳима одамларда ташвиш туғдираётган бир пайтда айрим шахслар олди-қочди, миш-миш, бўҳтонлар тарқатиш билан шуғулланишаётганини афсусланиб таъкидлашди. Бу эса ишга фойда эмас, фақат зиён етказади.

Бозор комплекси ёнида қурилган Оталар чойхонасида тўпланган юздан зиёд меҳнат ва уруш фахрийлари, кексалар билан ҳам қизғин мулоқот бўлиб ўтди. 20—30-йиллардаги курашлар, жангу жадал иштирокчилари Президентни Ўзбекистон мустақилликка эришгани муносабати билан муборакбод этишди. Улар республика раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаяжакларини айтиб, Президентни турли хуружларга, тош отишларга эътибор бермасликка, танланган йўлдан чекинмасликка даъват этдилар. Аҳолига томорқа, уруғлик, дон, ем-хашак ажратиш, қишлоқларни газлаштириш ва ичимли сув билан таъминлаш тўғрисидаги фармонлар айни муддао бўлганлиги хусусида гапирилди. Президент фармонига кўра томорқа ажратилгани шарофати ила қувалик оилалар сафига 26 минг янги хонадон қўшилди. Аҳоли қарамоғидаги чорва моллари туёғи икки баравар кўпайди. Президент Қува шаҳрида бунёд этилаётган йирик қандолатчилик фабрикаси қурилишини бориб кўрди. Нафақат республикамизда, бутун Ўрта Осиёда энг йирик, ягона ҳисобланган бу корхона ишга туширилгач, йилига 20 минг тонна ширинликлар ишлаб чиқаради. Эски хом чўт бўйича фабрика 10 миллион сўм ҳисобига бунёд этилиши лозим. Россия ва бошқа ўлкалар билан тузилган шартномаларга риоя қилинмаётганлиги, бинокорлик материаллари етишмаётганлиги туфайли йирик объектни фойдаланишга топшириш хавф остида қолаётир. Бу ҳақда бош буюртмачи — район матлубот жамиятлари уюшмаси раиси Ураймжон Каримов куюниб гапирди. Илгари чет эл ускуналарини харид қилиб келтиришни зиммасига олган Центросоюз энди ўзини четга олаяпти. Асбоб-ускуналарни валюта ҳисобига етказиб бериш эса муаммо бўлиб турибди. Корхона бунёдкорлари И. А. Каримовдан бу ишга бош қўшишни, валюта ажратиш йўлларини излаб кўришни илтимос қилишди.

«Коммунизм» жамоа хўжалигидаги учрашувда одамлар пулнинг қадрсизланиши ой сайин эмас, кун оша кўпроқ сезилаётганидан ташвишланиб гапирдилар. Президент аҳоли жамғармаларидаги пулларнинг бекор ётишини жиноят билан тенглаштирди ва бу маблағни тезроқ ҳаракатга келтириш, яъни сарфлаш ғоят муҳим эканлигини таъкидлади. Мустақилликни мустаҳкамлаш учун хорижий фирмалар, уюшмалар билан боғланиш, валюта билан ўзаро муомала қилиш зарур, деди у. Биргина «Коммунизм» жамоа хўжалиги режадан ортиқча минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаган. Шу хом ашёдан қайта ишланган 300 тонна тола омборларга келтириб қўйилди. Агар у сўмга сотилса, косанинг таги оқармай қолаверади. Валютага сотилса — бутунлай бошқача гап — хўжалик аъзоларининг турмуш шароитини яхшилаш борасида катта имкониятлар дарвозаси очилади. Қувасой шаҳри ва Фарғона районидаги мулоқотлар жараёнида ҳам шу муаммолар кўтарилди.

Республика Президенти вилоятнинг совет ва хўжалик раҳбарлари, СССР ҳамда Ўзбекистон халқ депутатлари билан учрашди. Шу аснода И. А. Каримов жумҳурият раҳбариятининг ички ҳамда ташқи сиёсати, иқтисодий тангликнинг олдини олиш соҳасида белгилаган тадбирлари ҳақида гапирди.

* * *

И. А. Каримов «Халқ сўзи»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири саволларига ҳам жавоб берди.

— **Ислом Абдуғаниевич, сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби қилиб сайланган дастлабки кунларидаёқ ташвишли Фарғонага ташриф буюрган ва фожиаларни ўз кўзингиз билан кўрган эдингиз. Уша пайтда бу ерга келган Иттифоқ ҳукумати раҳбарлари Рижков, Чебриков, Иттифоқ миқёсидаги қатор вазирлар аҳвол билан танишиб, фожиали воқеаларга сабаб бўлган ўткир ижтимоий масалалар — ишсизлик ва бошқа муаммоларни ҳал этиш хусусида қоп-қоп ваъда беришганди. Лекин бу баландпарвоз гапларнинг ўндан бири ҳам бажарилмади. Ортга кетиш бўлдики, ижобий силжиш кўзга ташлангани йўқ.**

Республика ҳукуматининг водийдаги аҳволни ўнглаш юзасидан тузилган аниқ тадбирлари борми?

— Мен ҳар сафар Фарғона водийсига ҳис-ҳаяжон, умид ва ташвиш билан қадам қўяман. Жаннатмисол тупроғи олтинга тенг, одамлари самимий, ҳалол, меҳнаткаш маскан бу.

Фарғона воқеаларини эшитиб қулоқларимга ишонмаганман. Наҳотки гўзал гулшанда қон тўкилса... Ёдингизда бўлса, республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари воқеани хас-пўшлашга, уни безори гуруҳларнинг оддий тўқнашуви деб иложи борича бўяб кўрсатишга ҳаракат қилишганди. Сиз Москвадан ўнлаб вазирлар келиб кетишди, деяпсиз. Мен кейин ҳисоб-китоб қилдим. Иттифоқ миқёсидаги элликдан ортиқ вазирликлар, турли даражадаги маҳкамаларнинг раҳбарлари Фарғонада бўлишган, тоғ-тоғ ваъдалар беришган. Лекин улардан бир мири ҳам фойда кўрилмади. Кейинчалик аниқланишича, бу ташрифларнинг ҳаммаси жунбушга келган оммани, одамларни тинчлантириш учун иттифоқ ва республиканинг ўша пайтдаги раҳбарлари томонидан ўйлаб чиқилган сиёсий ўйин экан.

Қанчадан-қанча гуноҳсиз кишиларнинг қони тўкилди. Бир куни Қўқонда қуролсиз оммага қарши отилган ўқлардан 67 киши яралди, 17 киши халок бўлди. Уларга ўқ отишга ким буйруқ берган? Бу ҳамон сирлигича қолмоқда. Ўйлайманки, бунга адолатли тарих ўз баҳосини беради, ҳукмини чиқаради.

Фарғона водийсидаги ижтимоий, иқтисодий, маиший муаммоларни ҳал этиш энди ўзимизга, мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнашига боғлиқ.

— Бутун жаҳон атроф муҳитини ҳимоя қилиш жамияти маълумотномасида Фарғона шаҳри ва унга туташ районлар экологик муҳити ўта ташвишли музофотлардан бири, деб эълон қилинган. Ҳозир муҳофаза ишлари асосан корхоналарнинг ўз маблағлари, ички ресурслари ҳисобига амалга оширилаяпти. Бу соҳада ҳукуматнинг режалаштирилган тадбирлари борми?

— Фарғона воқеаларига олиб келган сабаблардан бири ҳам шу минтақадаги ғоят ёмон экологик вазият эканлиги сир эмас. Фарғонада кимё ва нефть саноатининг бир нечта корхоналари жамланиб қолган. Оқибати ўйланмай қилинган ишнинг натижаси бу. Ҳозир мавжуд корхоналарнинг айримлари чет элга маҳсулот сотиб валюта ишлаяптилар. Ахир тоза ҳавомизни ютганича маҳсулот ишлаб чиқариб, яна ҳавога заҳар чиқариб, чет эл пулини ишлаб топиш кимга керак? Бу маблағга нима сотиб олинаётганини ҳам яхши биламиз. Фикрим шундай: азот ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўзимизга етадиган маҳсулот тайёрланадиган қисмини сақлаб қолиш, бошқасини батамом ёпиб ташлаш зарур.

Бу корхоналарнинг кўпчилиги марказга, иттифоқ вазирликларига бўйсунган, даромадининг мўмай қисми улар ҳамёнига тушарди. Лекин атроф муҳити мусаффолиги борасидаги амалий ишга келганда ўзларини четга олишаяпти. Айтиб қўяй: Фарғонадаги экологик тангликни яхшилаш учун ҳукумат барча чораларни кўради.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси 1991 йил 18 ноябрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 17 ноябрь куни эрталаб соат 9 дан 19 гача Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

Олий Кенгаш сессиясига уч кун қолди

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

Гапнинг рости, республикамизнинг бирончи раҳбарлари маҳаллий журналистларни кўпам сийлайвермайдилар, матбуот конференциялари ва баъзан бирон-бир савол бериб қоламиз, холос. Шу маънода марказий матбуот вакилларига ҳавас қилсанг арзийди — улар ахборотни шахсан биринчи оғиздан оладилар. Шунга қарамай, мен Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. М. ЙЎЛДОШЕВ билан мулоқот уюштиришга жазм этдим. У бажонидил розй бўлди.

— **Шавкат Муҳиддинович, Республика Олий Кенгаши ўзининг биринчи, яъни ташкилий сессиясига тўпланган пайтдан буён икки йилга яқин вақт ўтди. Сиз раис вазифасига киришганингизга бор-йўғи тўрт ой бўлди. Ана шу вақт ичида катта воқеалар рўй бердики, уларни тарихий аҳамиятга молик дейиш мумкин. Иккитасини тилга олиб ўтиш кифоя: Фавқулодда ҳолат давлат комитети (ГКЧП) номи билан машҳур бўлиб қолган тўнтаришга уриниш ҳамда Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши. Шундай экан, бу ойлар республикада халқ ҳокимиятчилигини ривожлантиришда қайси жиҳатлари билан эътиборга лойиқ?**

— Дарҳақиқат, ўтган даврда кўпгина воқеалар рўй берди. Бироқ республикамиз учун бурилиш нуқтаси ҳисобланган, эсда қоладиганлари орасида иккитаси алоҳида ажралиб туради. Фавқулодда ҳолат давлат комитети мамлакатимиз ҳаётида пайдо бўлган қийинчиликлар, қалтис пайтдан фойдаланиб унитар ҳокимликни қайтаришни ният қилиб қолди, демак барча республикаларни ҳам аввалгидай тобеликда сақлаб туриш режаси тузиб қўйилган эди. Бундай шум мақсад давлат тўнтариши қилишга уринишнинг дастлабки кунларидаёқ очиқ-ойдин билинди. Шунинг учун ҳам 20 август куниёқ (республика Президенти Ҳиндистондан, Олий Кенгаш раиси Москвадан қайтиб келишлари биланоқ) ўтказилган Олий Кенгаш раёсати ва Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган қўшма мажлисида республикамизда фавқулодда ҳолат жорий этилмайди, биз сиёсий масалаларни ечишда куч ишлатишга, айниқса ҳарбийларни аралаштиришга қатъиян қарши эканлигимизни очиқ-ошкора айтдик. Республика ўзи танлаган йўлдан четга чиқмайди, унинг ҳудудида бизнинг Конституциямиз ва бизнинг қонунларимизгина амал қилади, дедик.

Табиийки, шу муносабат билан ўз мустақиллигимизни сўзда эмас, балки амалда таъминлаш зарурати туғилди, нега деганда 19 август воқеалари қайтарилмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмас эди, ҳозир ҳам беролмайди. Ана шу маънода Олий Кенгаш 31 августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақида қарор ҳамда тегишли қонун қабул қилганлиги тарихий аҳамият касб этди. Алоҳида таъкидлаб ўтаман: мустақилликка эришиш халқимизнинг асрий орзуси эди. Ишончим комил: ўзбекистонликлар — улар қайси миллатга мансубликларидан, ижтимоий аҳволлари, диний эътиқодларидан қатъи назар — бўлажак референдумда республика Олий Кенгашининг қарорини қўллаб-қувватлаяжаклар. Унутмаслигимиз керакки, буларнинг барчаси биринчи қадамлар, олдимизда турган ишларнинг ибтидосидир. Биз чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш учун олис, қийин, машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келади. Собиқ марказ ҳозирга қадар бошқарув жиловини қўлдан чиқаргиси йўқ, у республикамиз неча ўн йиллар мобайнида хом ашё базаси бўлиб келганлиги, кўпгина тармоқлар бўйича ривожланган мамлакатлардан ниҳоятда орқада қолганлигидан фойдаланаяпти. Қаёққа қараманг — ишлаб чиқариш ёки мутахассислар тайёрлашми, ижтимоий соҳа ёки тиббиётми — муаммолар қалашиб ётибди. Ҳозирги пайтда энг муҳими — бирлик, жипслик, бирдамлик ва, агар таъбир жоиз бўлса, сабр-тоқату бардош. Республикамизнинг соф виждонли ҳар бир фуқароси ҳақиқий мустақилликка эришишдан иборат энг асосий мақсадни ёдда тутиб ҳаракат қилиши лозим.

Бу гап айниқса депутатларимизга тааллуқли. Парламентимиз ишида майда-чуйда гап, арзимас мавзуларга ўралашиб қолиш, орани очиқ қилиш йўли тутилмаслиги керак. Минбардан қилинадиган танқид ҳам, айтиладиган таклифу фикр-мулоҳазалар ҳам асосланган, конструктив тарзда бўлиши лозим.

Яна шуни истардимки, баҳс-мунозара қатнашчилари — фикр ёқадими-йўқми, унга қўшиладими ё қўшилмайдими, бундан қатъий назар — ҳар бир депутатнинг сўзини иложи борича диққат-эътибор билан тинглашга одатланишлар. Бунда энг муҳими — бир-бирини ҳурматлаш. Бошқача айтганда, мунозара юритиш маданиятини оширишимиз зарур. Ўйлайманки, бу халқимизнинг ўз депутатларига ишончу эътиборини оширади, холос.

Кейинги воқеалар ҳуқуқий давлат барпо этиш гарови ҳисобланган халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлади. Бунинг устига, ҳозирги пайтда бизда бирон-бир ҳукмрон сиёсий партия йўқ, бутун ҳокимият амалда қишлоқ советларидан тортиб Олий Кенгашга қадар советлар қўлидадир. Яъни, ўтган давр советларда халқ вакиллиги орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўли тутилганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

— **Маълумки, Ўзбекистон парламентининг бўлажак сессияси чақириқ бошидан буён саккизинчи ҳисобланади. Бинобарин, тўртта сессия кейинги ойларда бўлиб ўтди. Бу—қонун чиқариш фаолияти кучайиб бораётганидан далолат. Август ойидан буён раёсат ҳам ундан аввалги даврдагига қараганда сал камроқ масалаларни кўриб чиқди. Ана шу ҳолатни қандай изоҳлаш мумкин?**

— Чиндан ҳам сессияларда, Олий Кенгаш раёсатида қабул қилинган қонунлару қарорлар сони, аввалги ўн беш ва кейинги беш ойни солиштирадиган бўлсак, қарийб тенг бўлиб чиқади. Бунга асосий сабаб давр тақозосидир. Август воқеаларидан кейин Олий Кенгаш ўз ваколатини янада фаол ва тўлароқ рўёбга чиқара бошлади. Шу муносабат билан Конституциямизнинг 2-моддасини эслаб ўтайлик. Унда бутун ҳокимият халқники, халқ эса давлат ҳокимиятини республиканинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари советлари орқали амалга оширади, дейилган. Бироқ биз бу ҳол ҳаётда қандай бўлганлигини яхши биламиз. Ҳеч кимни ҳафа қилмоқни истамайман, аммо сир эмаски, навбатдаги сессияга тайёргарлик Олий Кенгашда, бошқа муассасаларда, ҳатто Москвада олиб борилади. Олдиндан тайёрлаб қўйилган одамлар сўзга чиқишарди, юқори билан келишилган кадрлар тасдиқланардилар, қаердадир хилват жойларда ишлаб чиқилган ҳужжатлар «якдиллик» билан қабул қилинарди. Шўрнинг қурғур депутатларнинг вазифаси овоз бериш пайтида имилламасдан қўл кўтаришдан иборат эди.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ

(Боши биринчи бетда)

Яна такрор айтаман: ҳеч кимни айбламоқчи ёки хафа қилмоқчи эмасман. Тузум шунақа эди. Бунинг учун депутатлар, раҳбарларнинг гуноҳлари йўқ, уларнинг қисмати шундай бўлган.

Бахтимизга, давр ўзгараяпти. Одамларимиз мафкуравий ақидалар асирлигидан холи бўлишмоқда. Навбатдаги сессияда биз амалда Олий Кенгашнинг яна бир ҳуқуқини тиклаймиз. Юқорида эслатиб ўтилган Конституциянинг 2-моддасида бошқа барча давлат органлари халқ депутатлари советлари назорати остида ишлайдилар ҳамда уларга ҳисоб берадилар, дейилган.

Ҳозирга қадар, Асосий қонунимизнинг бу талаби ёзиб қўйилганича қолиб келаётган эди. Агар Олий Кенгашнинг назорат палатаси тузилса, у республика ҳаётига ижобий таъсир кўрсата бошлайди, деб ўйлайман. Бошқача айтганда, эндиликда Олий Кенгаш ўзининг бевосита вазифаларини бажаришга киришмоқда, моҳият эътибори билан олганда ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга журъат этмоқда.

Таъкидлаб ўтмоқчиман: Олий Кенгаш ишидаги ўзгаришлар рўй бераётган демократик жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Коммунистлар орасида тасодифий кишилар бўлгани сингари, демократлар ичида ҳам сохта демократлар оз эмас. Ўзингиз ўйланг, ўнлаб ёки юзлаб тасодифий шахсларнинг нопок хатти-ҳаракатларига қараб неча ўн, ҳаттоки минглаб одамларни бирлаштирган сиёсий ҳаракатлар ёки партиялар ҳақида умумий хулоса чиқариш мумкинми?

Бордию бизда демократиянинг илк куртаклари бўртиб чиқмаганида ҳаётимизда, жумладан Олий Кенгаш фаолиятида ҳам сиз айтиб ўтган ўзгаришлар рўй бериш-бермаслиги мумкинмиди?! Агар бошқа республикалардаги, айниқса Россиядаги демократик кучлар марказнинг якка ҳокимлигига, унинг унитар давлатни тиклашга интилишига қатъиян қарши турмаганларида келажагимиз нима бўлишини тасаввур қилиш қийин.

Менинг назаримда демократия — энг аввало ҳуқуқий давлат деган гап. Қонун, фақат қонунгина устивор саналган давлат демократик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мен демократияни ҳар нима қилиш мумкин, анархия ва қонунсизлик деб тушунишларига қатъиян қаршиман, қонунда маън этилмаган ҳамма нарсага рухсат бор, деган маълум чақириқни қоралаб келганман, бундан кейин ҳам қоралайман. Чунки агар бунга йўл қўйилса, меҳнаткаш халқ манфаатларига зид равишда уюшган жиноятчилик ва пинҳоний иқтисодиёт жадал ривожланиб кетади. Нега деганда, биз зарур қонунларни тайёрлашга, ҳуқуқий давлат тузишга эндигина киришдик. Менинг тушунишимча, демократияни интизом ва тартибдан айрича тасаввур этиб бўлмайди. Назаримда, бизнинг Олий Кенгашимиз битта ниссининг ана шу ҳар икки томонини уйғунлаштириш учун зарур ҳуқуқий кафолатларни таъминлашга ҳаракат қилади.

— Мустақиллик эълон қилинниши давлатнинг ваколатли органлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Сизнингча, сессиялар оралиғида ишлайдиган давлат ҳокимияти идораси сифатида Олий Кенгаш раёсати мавқеини кўтариш ёки, аниқроғи, мақомини кенгайтириш масаласини қўйиш пайти келмадимикин? Амалдаги Конституцияга биноан у Олий Кенгаш комитетлари ва комиссиялари ишини мувофиқлаштириб турувчи бир тузилма, холос... Мен бу ерда кун тартибига тобора кескинроқ қилиб қўйилаётган масалаларнинг ижтимоий йўналиши аҳамиятини назарда тутмоқдаман. Бу муаммоларни муҳокама қилишга ҳудди комитетларга ўхшаб раёсат ҳам чўчиброқ ёндашаяпти. Умуман олганда, сиз Олий Кенгашнинг назорат қилиш функциясини кучайтиришга қандай баҳо берасиз?

— Олий Кенгаш ишини такомиллаштиришга доир масала хусусида, ўйлайманки, ҳар бир мустақил давлатда, бу йўлда эндигина тетапоя қилаётган бизнинг республикамизда айниқса доимий ишлайдиган парламент бўлиши зарур. Буни ривожланган кўплаб мамлакатларнинг тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди. Тўла ишонч қозонган 120—150 депутатдан доимий ҳаракатдаги Олий Кенгашни тузиш, унинг тегишли комитетлари ва комиссияларини ташкил этиш, ҳозирги 500 депутатдан иборат сессияни Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қурултойига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Бу масалани депутатларнинг ўзлари ҳал этадилар, албатта. Улар орасида ҳам шундай деб ўйлаётганлар оз эмаслигини яхши биламан. Чунки ҳозиргига ўхшаб масала муҳокамага қўйилганда у ёки бу қонунни қабул қилиш ойларга чўзилиб кетмайди, республикамизда мустақиллик сари бошланган йўлда амалга оширишимиз зарур бўлган жуда катта ишларнинг ҳуқуқий заминини тезроқ барпо этиш учун имкон туғилади. Олий Кенгашга сайланган депутатларнинг ўзлари эса қурултой олдида ҳисобот бериб туришлари керак. Чамаси, янги конституцияни тайёрлаш пайтида ҳудди шундай йўл назарда тутилса керак.

Ушанда раёсат ҳуқуқлари ва ваколатларини кенгайтириш масаласи қайта кўриб чиқилса тўғри бўлади. Шубҳасиз, назорат соҳасида унинг ўрни ва аҳамиятини ошириш зарур.

Амалда раёсат комитетлар ва комиссиялар ишини мувофиқлаштириш, сессияларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда ташкилотчилик қилиш билан кифояланмоқда. Аслини олганда, унинг ҳуқуқлари жуда чекланган, шунинг учун ҳам янги конституцияда ва Олий Кенгашнинг иш тартибида ваколатли ҳокимиятнинг тўла ҳуқуқли органи, сессиялар ўртасидаги даврда зарур ваколатларга эга орган сифатида унинг моҳиятини оширишни кўзда тутмоқ лозим. Ўйлайманки, бундай бурилиш раёсатнинг ўзи қабул қилган қарорлари учун масъулиятини кучайтиришга ёрдамлашади. Аммо унгача кутиб туришга ҳаққимиз йўқ, имкониятимиз даражасида ҳозирнинг ўзидаёқ республика ҳаётида таъсирчан фаолият кўрсатишга ҳаракат қилмоқдамиз. Масалан, раёсат қарори билан Иттифоқ қарамоғидаги барча корхоналар республика тассаруфига ўтказилди. Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси билан биргаликда маслислар бўлиб ўтаяпти. Депутатлар томонидан сўнгги сессияда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазалар, киритилган таклифларни бажариш юзасидан республиканинг тегишли идораларига топшириқлар берилди, халқ депутатлари маҳаллий советлари билан ўзаро ҳамкорлик бирмунча кучайди.

— Навбатдаги сессияга тайёргарлик кўриш жараёнида парламент ва унинг бўғинлари ишида қандай янги, диққатга сазовор жиҳатлар пайдо бўлди? Жамоатчилик рўзномалардан VIII сессияга ҳозирлик ва уни ўтказиш бўйича депутатлар гуруҳи ташкил этилганидан хабардор...

— Очиғини айтсам, комитетлар ва комиссияларнинг ишини бирмунча жонлантиришга муваффақ бўлдик. Ходимларимизнинг вилоятларга боришлари, халқ депутатларининг жойлардаги учрашувлари, у ерда қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш таомилга айланмоқда. Комитетларнинг мажлислари тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди. Бироқ булар илк қадамлар, холос. Комитетлар ва комиссиялар ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик долзарб муаммоларни қонуний жиҳатдан таъминлашдан тортиб кадрлар масаласига қадар республика ҳаётига самарали таъсир кўрсатишлари лозим. Масалан, Олий Кенгаш томонидан тайинланадиган, тасдиқланадиган ёки сайланадиган барча лавозимларга номзодлар мажбурий тарзда тегишли комитетлар ҳамда комиссияларда, зарурат туғилганда эса қўшма мажлисларда ҳар томонлама муҳокамадан ўтадилар, улар тавсия этишсагина сессия тасдиғига қўйиладилар.

Бу гал сессияни сиз тилга олиб ўтган депутатларнинг ишчи гуруҳи тайёрлади. Унинг таркибида ўттиз нафардан зиёд киши фаолият кўрсатди. Мазкур гуруҳ икки ҳафтага яқин комитетлар, котибият маҳкамаси билан ишлади, кун тартиби, масалаларни муҳокама қилиш тартиби, котибият, бошқа депутатлар органлари тартиби, депутатларга хизмат кўрсатиш, хуллас ташкилий-хўжалик масалаларининг бутун бир мажмуи юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқди. Кўп йиллардан буён илк бор сессияни аппарат эмас, балки ҳалқ депутатларининг ўзлари бир неча маротаба тайёрладилар десак, адашмаймиз.

— Бизнинг парламентимиз эндигина ҳақиқий баҳс-мунозара юритиш таомилини эгалламоқда, қизиққонлик қилиш, қатъий фикр билдириш ҳоллари ҳам йўқ эмас, албатта. Депутатлар ўртасидаги ўзаро муносабат одоби хусусида қандай истакларингиз бор?

— Ҳа, ҳар бир халқ депутати сессияда исталган масала юзасидан ўз фикрини бемалол айтиш учун тўла имкониятга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, назаримда, сиз ҳам менга қўшилсангиз керак: парламент ишидаги ҳақиқий демократизм парламент маданияти қоидаларини назар-писанд қилмаслик билан чалкаштириб юборилмаслиги зарур. Аввалги сессиямиз ишини кузатган кўплаб телетомошабинлар масаланинг шу томонига эътибор берганликларини ҳисобга олиб, мен халқ депутатларини ўзаро муносабатлар одобига қатъий риоя қилишга, ўз нуқтаи назарларини босиқлик билан баён этиш, асоссиз далилларни тилга олмаслик, фикрда мухолифларга ҳурмат билан қарашга чақирмоқчиман. Энг муҳими — ҳар қандай жиддий баҳс-мунозаранинг пировард мақсади нуқтаи назарларни чоғиштириш, барча фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда конструктив ечимлар ишлаб чиқишдан иборат эканлигини ҳамиша ёдда тутиш керак. Сайловчиларимиз биздан ҳудди шуни кутишаяпти. Сессияда очиқ кўнгиллилик, яхши ният ва ҳамкорлик вазиятининг қарор топиши одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатадиган, уларга осойишталик, ишонч бағишлайдиган, шунинг қаторида республикада ички сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга имкон туғдирадиган жуда муҳим омилдир.

— Қиш оғир келиши кутилмоқда. Россияда, эҳтимол, бошқа республикаларда нарх-навони эркин қилиш ҳақидаги эълонлар шундан далолат бериб турибди. Ўзбекистон аҳолисини нималар кутмоқда? Бизда бозор қандай бўлади? Биринчи ўринга нималар қўйилаяпти? Одамларни хотиржам қилиш, уларда умид туғдириш мумкинми?

— Сиз тамомила ҳақсиз, бу масала ҳозир ҳаммамиз учун ниҳоятда оғриқли. Нарх-навонинг ўсиши, товарлар турининг ҳаддан ташқари чекланганлиги, турли-туман суъиистеъмолликлар аҳоли гарданига оғир юк бўлиб тушмоқда, бундан энг аввало меҳнаткашлар ва бечораҳол табақалар жабр кўрмоқдалар. Ана шундай шароитда одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш бизнинг бош вазифамиздир. Маълумки, 9 ноябрда Олий Кенгаш раёсати ташаббуси билан раёсат ҳамда Президент ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг кенгайтирилган қўшма мажлиси ўтказилди. Унда республикадаги барча манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар. Йиғинда фақат битта шу масала муҳокама қилинди. Аниқ чора-тадбирлар белгиланяпти. Бундан ташқари ўртоқларимиз қатор республикаларга, жумладан Украинага шу соҳадаги ижобий тажрибани ўрганиш учун юборилдилар. Ўз-ўзидан тушунарлики, Ўзбекистонни бошқа республикаларда мавжуд бўлган салбий ҳолатлардан, хўжалик алоқаларининг барбод бўлиши, халқ истеъмоли моллари кўпгина турларини ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш ҳажмлари кескин даражада камайганлигидан темир девор билан тўсиб қолиб бўлмайди. Ҳа, яккаланиб туриш мумкин эмас, чунки қийин даврда ҳар ким шунчаки ўзича яшаб қола олмайди. Шунинг учун ҳам мен олдимизда яхши кунлар турибди деб айтолмайман. Қиш қийин келади, бироқ вазиятга фожиа тусини бериш, айниқса саросимага тушиш нотўғри бўлур эди. Республика раҳбарияти муаммоннг кескинлигини юмшатишга қаратилган астойдил чоралар кўрмоқда. Менга шу нарса маълумки, вилоятлар, шаҳарлар, районларда ҳам қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ, аҳоли зарур нарсалар билан албатта таъминланади.

Мен тилга олиб ўтган мажлисда биз бозор сари боришнинг ишлаб чиқилган сиёсатига қатъиян риоя қилиш, яъни «эсанкираш терапияси» деб аталган ҳолатга тушмаслик хусусида келишиб олдик. Аҳолисининг қарийб ярми бечораҳол кун кечираётган, киши бошига миллий даромад бошқа жойлардагига қараганда 2—2,5 баробар кам бўлган республикада бундай терапия, айтиш мумкинки, жамиятни ҳалокатга маҳкум этиши, кишилар тақдирини поймол қилишга олиб келиши мумкин. Ана шуларни ҳисобга олиб бир неча ўнлаб турдаги озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларининг қатъий нархларини белгилаб қўйсак керак. Кундалик зарур товарлар эркин ёки шартнома асосидаги нархларда сотилади.

Берган саволингизга жавобимни тугатар эканман, таъкидлаб ўтмоқчиман: бу масалада эҳтиросларни кучайтириш ярамайди, аксинча — пайдо бўлаётган масалаларни ҳал этиш йўлларини амалий жиҳатдан чуқур ўйлаб қидириш ва топиш керак. Бундай дейишимнинг боиси бор: умуман собиқ Иттифоқда қарор топган вазиятни ҳисобга олмай, халқ истеъмоли товарларининг, жумладан озиқ-овқатнинг ярмидан ортиқроғи четдан ташиб келтирилишини билмай туриб, қийинчиликлардан сиёсий чайқовчилик нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ўзининг ғаразли ниятлари йўлида фойдаланиб қоладиган муайян гуруҳлар ёки алоҳида шахслар пайдо бўлишлари ҳам мумкин.

Бозор масаласида шуни айтиш керакки, навбатдаги сессияда биз бир қатор ҳужжатларни қабул қиламиз, улар орасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва ижара тўғрисидаги қонунлар ҳам бор. Булар мулкчиликнинг турли шаклларини, хусусий тадбиркорликни, умуман бозор муносабатларини ривожлантириш учун ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилишига ишончим комил.

— Шавкат Муҳиддинович, бироз одобсизлик бўлса ҳам қуйидаги саволни беришга тўғри келади. «Московские новости» ҳафтаномасининг сўнгги сонида сиз Ш. Р. Мирсандов билан бирга республика Президентига нисбатан оппозицияда турганингиз айтилган. Ислом Абдуғаниевич «Аргументи и факти» мухбири билан мусоҳабада соғлом, конструктив оппозицияни ёқлаб фикр билдирган эди. Мана шу ҳар икки жиҳатни ўзаро боғлаш мумкинми, ҳақиқат қаерда?

— Чамаси, яна ҳамма нарса юқорида тилга олганимиз — бизнинг сиёсий маданиятимиз юқори эмаслигига бориб тақалаяпти. Биз ўн йиллар мобайнида биринчи шахснинг фикри ва таклифлари ҳамиша тўғри бўлади, дея ўзимизни кўндириб келганмиз. Мана, энди эса одатий баҳс-мунозара юритилса, у ёки бу масала хусусида қарама-қарши нуқтаи назарлар илгари сурилса, манглайингга дарҳол «оппозиячилар» деган тамға ёпиштирилади. Бизнинг ҳаммамизда — республика раҳбариятида ҳам, ўйлайманки, бутун аҳоли ўртасида ҳам бош мақсадимиз аниқ — Ўзбекистоннинг ҳақиқий давлат мустақиллигига эришиш. Кўзланган манзилга етиб бориш тактикаси, айниқса аниқ масалаларни ҳал этиш йўллари, табиийки, турлича бўлиши мумкин. Шундай экан, қандайдир «оппозиячи»ларни ўйлаб топиш ўта мантиқсизликдир.

Менинг тушунишимча, айтайлик, Олий Кенгашдаги оппозиция муаммоларни ўртага қўйишда ўзининг аниқ дастурига эга бўлган, ўз йўлини ҳам, муҳолифлар йўлини ҳам асосли равишда шубҳа остида қолдиришга қодир ташкилий тузилмадир. У ҳеч бўлмаса республика аҳолиси бир қисмининг қўллаб-қувватлашидан фойдаланади. Мана шундай конструктив оппозиция, яъни ҳамма нарсани ҳамиша ёппасига танқид қилмайдиган, яна таъкидлайман, конструктив оппозиция ҳозирча бизда йўқ. Бугунги кунда ҳар қандай даражадаги раҳбарни боплаб «савалаш» учун юзлаб сабаблар топилади. Ўрнига нимани таклиф этиш мумкин? Бу — асосий масала. Бақироқларни ва танқидчиларни маданийлашган маънодаги оппозициядан фарқлаш имконини берадиган савол ана шундай қўйилиши керак. Ислом Абдуғаниевич Каримов соғлом, конструктив оппозицияни ёқлаб билдирган фикрга батамом қўшиламан.

— Яқинда Ўзбекистон халқ депутати, Тошкент тўқимачилик комбинатининг бош директори Б. К. Эргашев билан суҳбат чоғида мен ундан Олий Кенгаш комитетларида кадрлар тез-тез ўзгартирилаётгани, комитетларнинг номи ҳам алмашиб турганидан норозилиги эшитдим. Ана шулар қаторида Олий Кенгашнинг «Халқ сўзи» ва «Народное слово» рўзномалари ҳам қайта қурилиб, бош муҳаррир ўзгартирилди. Бундай қарор қабул қилишга нима сабаб бўлганини муштарийларга, журналистларга англатиб бера олмайсизми?

— Мен депутатларимиз ва рўзнома муштарийларидан кўпчилигининг ҳайрон қолганини тушунаман, чунки, юқорида таъкидлаб ўтганимдек, ўн йиллар мобайнида бизда муайян турдаги фикрлаш қарор топган. Бошқача айтганда ҳаммамиз — ўз давримиз фарзандларимиз. Ҳозирги пайтда ҳаёт шу қадар тез ва шитоб билан ўзгариб бораяптики, кеча қабул қилинган қарорлар бугун ҳеч нарсага ярамай қолиши мумкин. Яна фавқулодда ҳолат давлат комитети даврини эслайлик: 19 августга қадар мамлакат бир хил эди, 22 августда эса бутунлай бошқача бўлиб қолди. Таъкидлаб ўтганимдек, республикамизда ҳам Олий Кенгашнинг бир ярим йиллик иш даври мобайнида бор-йўғи тўртта сессия ўтказилди. Бу сессияларга бутунлай бошқа маҳкамаларда тайёргарлик кўрилгани ҳам сир эмас. Айрим комитету комиссиялар беиш қолдилар. Олий Кенгаш, унинг органлари ўзларининг назорат қилиш ҳуқуқларидан амалда четлаштириб қўйилганликлари ҳам вазиятки чигаллаштириб юборди. Натижада, мен бу ерга раис бўлиб келгунимга қадар (бу ҳол мени раис этиб сайлашган сессиядаёқ яққол намоён бўлди) тузилган комитетлар орасида ортиқчаси бор, баъзиларини тугатиш, яна бирқанчаларини бирлаштириб юбориш мумкин, деган фикр шакилланган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганидан, собиқ Иттифоқ империяси амалда барбод бўлганидан кейин, табиийки, Олий Кенгашимиз муносиб даражада ишлаш лозим эди. Аввал бирлаштириб юборилган комитетларнинг қайта тикланишини тўғри, деб ўйлайман. 19 августга, мустақиллик эълон қилингунга қадар бўлган даврдагидан тубдан фарқ қиладиган янги шароитда ишимизни такомиллаштириш жараёни бораётганлиги ҳам табиийдир.

Айтиш мумкинки, бу жараёнлар ҳали-бери тўхтамайди. Олий Кенгаш таркибида бундан буён ҳам янги тузилмаларни барпо этиш зарурати келиб чиқиши мумкин. Масалан, бўлажак сессияда республиканинг олий назорат органи сифатида Олий Кенгашнинг Назорат палатасини ташкил этиш масаласини қараб чиқиш кўзда тутилмоқда. Эҳтимол, Ошкоралик комитетини Ошкоралик ва инсон ҳуқуқлари комитетига айлантириш мақсадга мувофиқдир. Тақрор айтаман, бизнинг ишимизда ягона ва ҳамиша қўлланиладиган шаклар бўлиши мумкин эмас.

Олий Кенгаш рўзномаларини қайта ташкил этиш хусусида ҳам ҳудди шундай фикр билдириш мумкин. Таҳририятларнинг таомилдагидек фаолият юритишлари учун зарур ҳужжатлар қонуний тартибда тасдиқланмаган эди. Бунда Олий Кенгаш раёсатининг ҳам айби бор, чунки у таҳририят фаолиятини эътибордан четда қолдирди, ишни йўлга қўйиб юборишда амалий ёрдам кўрсатмади, таъбир жоиз бўлса ўз фарзандини қаровсиз қолдирди.

Ўйлайманки, яқин орада ижодий жамоаларимиз ишни яхши йўлга қўйиб юборадилар, чунки таҳририятларда асосан ўз касбининг усталари уюшган. Рўзномаларимиз вақти келиб республиканинг чиндан ҳам етакчи нашрларига айланишига астойдил ишонаман. Балки «Халқ сўзи» ва «Народное слово» аввалгидек мустақил бўлиб қолишар, шундай экан, биз яна рўзномалар ишига тез фурсатда аралашадиган бўлсак, бни навбатдаги чигаллаштириш ёки қайта ташкил этиш мақсадидаги ўзгартиш сифатида қабул қилмаслик керак. Бош муҳаррир А. Ғ. Мухторов хусусида қуйидагиларни таъкидлашни истардим: раёсат аъзолари уни юксак даражадаги маҳоратли журналист, яхши ташкилотчи сифатида билишади. Вазифасидан эса шахсий аризасига биноан озод қилинганди. Раёсатда масала муҳокама этилаётганда унинг шаънига кўпгина илиқ гаплар айтилди, ариза эса аччиқ устида ёзилган эди. Таҳририятлар ташкил топганидан буён ўз ёғига ўзи қовурилиб келаётгани, амалий ёрдам олмаётгани, талаб эса ўта қаттиқ қўйилганидан алам сезилиб турарди. Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи этиб Н. С. Саъдуллаев тасдиқланди. У менга Олий Кенгаш комитетидаги аввалги ишига қайтаришни сўраб бир неча маротаба мурожаат этди. Ўртоқ Мухторов ўз жойига қайтишга розилик берганидан кейин бу масала ҳал этилди. Сессияга бош муҳаррир масаласи киритилмай келганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

— Парламент матбуотига доир яна бир савол бермоқчиман. Рўзноманинг танқидий нуқтаи назарига сизнинг муносабатингиз қандай?

— Аввалги саволингизга жавоб қайтараётиб айтганимдек, сизнинг жамоаларингиз яқин орада изчил йўлга тушиб оладилар. Назаримда, парламент матбуоти албатта ўз қиёфасига эга бўлиши керак. Шу маънода рўзномаларнинг танқидий нуқтаи назарлари жуда катта аҳамият касб этади. Яна таъкидлайман: танқид холис, конструктив бўлиши лозим. Айни пайтда комитетларимиз ва комиссияларимизнинг ишлари, жойларда халқ депутатларимизга муносабат, улар ўз депутатлик бурчларини бажараётганларида қандай ёрдам берилаётгани, ижтимоий масалаларни ҳал этишга халқ вакилларининг таъсири, улар билан минтақаларнинг раҳбарлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, хуллас шунга ўхшаш кўпдан-кўп муаммолар рўзномаларнинг саҳифаларида тўла акс этиши керак. Раёсат, Олий Кенгашнинг тегишли комитетлари ва бўлимлари томонидан зарур ёрдам кўрсатилади, албатта. Шахсан мен бизнинг парламент матбуотимиз республика ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши ҳамда етакчи бўлиб қолишидан ниҳоятда манфаатдорман.

— Яна бир савол. Ўзбекистоннинг мустақиллиги республикада қониқиш ва тушуниш билан кутиб олинди. Бироқ рус забонли аҳолида қатор саволлар туғилмоқда. Шулардан биттаси: мустақиллик уларнинг қонуний манфаатларини камситишга олиб бормасмикин? Сир эмас: кўчиб кетаётганлар орасида рус забонли аҳоли, биринчи навбатда тўла кучқувват билан ишлай оладиган ва шуни истайдиган мутахассислар сони кўпайиб бормоқда. Бу ҳақда сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

— Собиқ Иттифоқдаги кўпгина республикаларни чок-чокидан сўкаётган миллатлараро можаролар авж олиб турган бир пайтда бундай саволлар туғилиши бежиз эмас. Ўзбекистонга келганда айтиш керакки, Фарғона, Паркент, Ўшдаги воқеалар, энг асосийси — мамлакатнинг ҳозирги пайтда қон тўкилиб турган қайноқ нуқталаридан эшитилаётган овозлар аҳолининг муайян қисми ўртасида эртанги кунга ишончсизлик туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам мен узил-кесил қилиб таъкидламоқчиман: республика раҳбариятининг бу масаладаги нуқтаи назари ўзгармасдан қолаверади. Мустақил Ўзбекистонда қайси миллатга мансублигидан қатъий назар ҳар бир кишининг қонуний манфаатлари ҳимоя остига олинади.

Бизнинг минтақамиз асрлар мобайнида кўп миллатли бўлиб келган, неча ўнлаб миллат кишиларининг биргаликдаги ҳаёти, дўстлиги ва иши Октябрь инқилобидан кейин эмас, балки ундан анча аввал қарор топган эди. Бундай тарихий меросни бузиб ташлаш, одамлар орасига раҳна солиш ҳеч бировнинг қўлидан келмаслигига ишонч комил. Бу ерда икки жиҳатни очиқ-ойдин таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биринчиси. Миллий ўзини ўзи англашнинг табиий ўсиш жараёнини миллатчилик ўзанига буриб юборишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Булар мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир, масалани чалкаштириш эса республика мустақиллиги, унинг келажаги, равнақи ҳақида жиддий бош қотирмаётган, аксинча — қандайдир сиёсий чайқовчилик билан шуғулланаётган кимсаларгагина қўл келиши мумкин. Аҳолининг аксарият кўпчилиги воқеаларнинг бу тарзда ривожланишига йўл қўймайди, деб ўйлайман.

Айтиш мумкинки, мен буни Фарғонадаги фожиа рўй берган кунларда яққол ҳис этдим. Машъум воқеалар яхши уюштирилган, режалаштирилган сиёсий иғвогарликдан бошқа нарса эмаслигини 1989 йил июнидаёқ «Правда» рўзномасига берган мусоҳабамда айтгандим. Ўша хунрезликнинг ташкилотчилари — эҳтимол ҳозир республикамиздан олисолисларга жўнаб қолишган бўлса ажаб эмас — рўй берган ёнғиннинг аланга олишини, атрофга тарқалишини жуда-жуда исташгани аниқ. Шуниси ҳам борки, тартибни қўшинлар ва қурол эмас, фарғоналикларнинг ўзлари ўрнатдилар, вазиятни барқарорлаштириш учун барча чораларни кўрдилар.

Ушанда менинг олдимга вилоятда яшаб турган барча миллатларнинг вакиллари, жамики район ва шаҳарлардан ҳурматли оқсоқоллар келиб туришарди. Айнан уларнинг куч-ғайратлари, мусулмон руҳонийларининг фаол ёрдамлари билан одамлар ўртасида йўқола бошлаган ишончни, ўзаро ҳурматни тиклашга муваффақ бўлдик.

Эътиборга молик шундай бир далил келтирмоқчиман. 1990 йил бошида дин арбоблари билан навбатдаги учрашувларимдан бирида (Фарғона воқеаларидан ярим йил ўтган эди) менга Марғилон шаҳри ва Тошлоқ районидан келган ҳурматли имомлардан бир гуруҳи мурожаат этиб, уларнинг «Фергананефтеоргсинтез» ишлаб чиқариш бошқармасининг бош директори Юрий Васильевич Данченкони Ўзбекистон Республикаси халқ депутати этиб сайлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашни илтимос қилди. У чиндан ҳам муқобил номзодлар орасидан биринчи босқичдаёқ округдаги сайловчиларнинг аксарият кўпчилиги овозини олиб халқ депутати бўлиб сайланди, ваҳоланки ўша мавзенинг қарийб 90 фоиз аҳолиси маҳаллий миллатга мансуб кишилардир. Ўйлайманки, шу далилнинг ўзидаёқ кўп маънони англатади. Ёки республика халқ депутати Аркадий Абрамович Аветисовни олайлик. Миллати арман, ўз мавзесида биринчи турдаёқ олти номзод орасидан депутат бўлиб сайланди. Бу ёғини сўрасангиз, у ерда яшовчи аҳолининг 7 фоизи тожик, қолганлари ўзбеклардир.

Кўрамизки, баъзи одамларнинг луқмалари, фикр-мулоҳазалари ёки қандайдир бир лаҳзалик вазият таъсири остида хулосалар чиқариш панд бериб қўйиши мумкин. Миллатчилар ва шовинистлар ҳар бир миллат орасида бор. Шу муносабат билан мен мазкур масаланинг иккинчи жиҳатини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Кўп нарса рус забонли аҳолининг ўзига ҳам боғлиқ. Узоқ йиллар давом этган унитар ҳокимлик даврида уларнинг кўпчилиги Ўзбекистон доимий равишда Москванинг кўрсатмаси билан яшайди ва ишлайди, деган фикрга кўникиб қолганди. Аҳвол шунга бориб етдики, раҳбар кадрлар марказда тасдиқланишарди. Ҳатто Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотига ҳам ўлканинг тарихи, маданий мероси, урф-одатлари, анъаналаридан бехабар, ўзбек тилини мутлақо билмайдиган вакил раҳбарлик қилди.

Русларни қўяверинг, ҳатто ўзбек оилаларида ҳам фарзандлари она тилини билишмаса, буни катта ютуқ сифатида кўз-кўз қиладиган бўлиб қолишганди. Ишга олинаётганда, айниқса раҳбарлик лавозимларига қўйилаётганда рус тилини яхши билиш устивор фазилат саналиб келинган.

Табиийки, миллий ўзини ўзи англашнинг ўсиш жараёни тезлашиб, ўзбек тили давлат тили сифатида қонунлаштирилган, республика мустақил деб эълон қилинган бир пайтда кўпчилик буларнинг ҳаммасини ортиқ-ринг кутиб олди. Бундай ҳолат ўзаро муносабатларда ҳам из қолдира бошлади. Ана шундай кайфиятдан қанча тезроқ қутулсак, шунча яхши. Агар сен бу ерда туғилиб ўсган, вояга етган бўлсанг, оммавий қатағон, машаққатли уруш йилларида ота-боболарингни бағрига олган, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси даражасига кўтарилишинг учун имконият яратиб берган халқнинг тилини ҳанузгача билмасанг бу ҳолатни қандай баҳолаш мумкин? Шу ҳақда ҳар ким ўзига ўзи савол бериши керак.

Миллатидан қатъий назар ҳар бир кишининг ишончи комил бўлсин: агар унинг ниятлари соф, беғараз эрса, Ўзбекистонни чиндан ҳам севса, уни ўз ватани деб қабул қилса, бу ерда уни ҳамма тушуниб етади. Қўллаб-қувватлайди, мадад беради. Бошқа миллатга мансуб аҳолининг ҳуқуқий ҳимояси таъминланади, жумладан фуқаролик ҳақида қонун қабул қилинади. Ҳозир мазкур ҳужжат лойиҳаси рўй берган янги шарт-шароит ҳисобга олинган ҳолда қайта кўриб чиқилмоқда. Яна шуни таъкидлаб ўтишим керакки, Ўзбекистонда қолиш ёки бу ердан кўчиб кетиш масаласини ҳар ким ўз виждони билан маслаҳатлашиб ҳал этсин.

— Охиргиси: — ўзим учун одатий бўлиб қолган савол: бундан буён ижроия ҳокимияти қай тарзда ривожланади? Маҳаллий советлар ва уларнинг раёсатлари нима бўлади?

— Маълумингизким, Олий Кенгаш раёсати жойларда ваколатли ва ижроия ҳокимиятларини фармойиш берувчи ижро этувчи ягона органга бирлаштириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида қарор қабул қилди. Шундан кейин биз бу ниятни амалга ошириш юзасидан жуда кўплаб аниқ таклифлар олдик. Уларнинг шакли турлича бўлса-да, моҳияти бир. Амалда жойлардаги ҳокимиятни мустаҳкамлаш ғоясини ҳамма қўллаб-қувватлади. Илгари, яъни партия комитетлари бўлган пайтда, улар яхшимиди ёки ёмон — бу бошқа масала, ҳарқалай, ҳокимиятнинг барча тузилмаларини бирлаштириб турадиган орган бор эди, айтиш мумкинки, парокандалик ёки четга чиқишларга йўл қўйилмасди. Эндиликда маҳаллий советлар ва ижрокомларнинг раҳбарлари ўртасида катта-кичик низолар тез-тез пайдо бўлмоқда. Россиядаги, баъзи бошқа республикалардаги мушкул ҳаётдан бўлса керак, жойларга Президентнинг мухтор вакилларини юбориш тажриба қилиб кўрилаяпти. Бизнинг назаримизда, бундай ёндашув Советлар ҳокимиятини инкор этиш деган гап, иш ана шунга бориб етмаслиги учун жойлардаги юқорида тилга олинган органларни бирлаштириш масаласини тезроқ ҳал этиш зарур. Бунинг устига вилоят, шаҳар, район советлари қонун чиқариш билан шуғулланмайдилар. Бирлаштириш қандай шаклда бўлишини, унинг аниқ мундарижасини Олий Кенгашнинг сессияси белгилаб беради.

Суҳбатдош: Марат САИДВАҚҚОСОВ.

ҲАР СОҲАДАН БИР ШИНГИЛ

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

Ўзбекистон Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг Тошкент бинокорлик материаллари комбинатида сопол кошинлар цехи ишга туширилди. У йилига 450 минг квадрат метр қоплама материал ишлаб чиқариш қувватига эгадир.

Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг бинокорлари ва монтажчилари бу йил қуриб битказган иншоотлар орасида 3,5 минг тонна маҳсулот сиғадиган сабзавот омбори, 208 километрдан сув ва газ қувури тармоқлари, умумий майдони 313 минг квадрат метр бўлган уй-жойлар бор. Болалар боғчалари ва касалхоналар ҳам муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

Тармоқ бинокорлари Иштихонда ғишт заводини бунёд этишмоқда, янги Жиззах оҳак заводи, Талимаржон ГРЭСининг иншоотлари қурилмоқда.

ЭНЕРГИЯ ТЕЖАЛМОҚДА

Муборак газни қайта ишлаш заводида рационализаторлар ва ихтирочиларнинг топқирликлари туфайли электр ва иссиқлик энергияси анча тежаб қолинмоқда.

Уларнинг ишланмалари энергия

Ҳаким САТТОРИ

Йўлимиз манзиллар

Биз, мустақил Ўзбекистон фуқаролари, ўз тарихимиз, аждодларимиз руҳи поклари олдида беҳад қарздормиз. Зеро, бизнинг ҳар қандай халқ, миллат ҳавас қилса арзийдиган ўтмишимиз бор. Албатта, тарихни олимларнинг илмий изланишларидан ўрганадилар, бироқ бу борада ҳар бир кишининг шахсий ташаббуси ҳам вазифани бир қадар уддалашга кўмаклашади. Шу маънода ёшларнинг севимли рўзномаси «Ёш ленинчи» ўз қаноти остига олиб, парвозини таъминлаган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» уюштирилган юриш катта аҳамият касб этди. 1—20 августда ўтган мазкур сафар давомида турли йўналишларда материаллар тўпланди, улар вақти билан жамоатчиликка маълум қилиб борилади. Унинг иштирокчилари пиёда ва автобусда беш минг километрдан ортиқ йўл босдилар, аҳоли яшайдиган юзлаб манзилларда бўлдилар, кўрган-кечирганлар 9 та видеокассетада, минг метрга яқин кинолентада муҳрланди.

Мазкур экспедициянинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси — Ҳаким САТТОРИ «Халқ сўзи» жамоасида хизмат қилади. У сафар тафсилотлари асосида ҳужжатли қисса ёзди. Қуйида ундан бир парчасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

(Гарчи шу тузум «нашъу намо»ларидан баҳраманд бўлиб, улғайган кишининг у ҳақда аччиқ таъналар айтиши эриш туюлса-да, ноўрин тўкилган кўз ёшлари, изтироблар, алдовлар, хазон бўлган умр лаҳзаларининг аччиқ азоби шуни талаб қилади. Бу тузумнинг кўргилиги шу эканки, эсини таниган ҳар бир фуқаро уни нафратлайди, негаки у ҳақда ҳақиқатни билишга қанча интилсангиз, қабиҳлиги шунча очилиб қолаверади. «Елғоннинг умри қисқа» деб шуни айтсалар керак-да).

Сафар ўтаётган кунлар республика ва мамлакат ҳаётида эсда қоладиган уч муҳим воқеа рўй берди: Тошкентда беш республика (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон) раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви (12—14 август), Ўзбекистон Президентининг Ҳиндистонга сафари (17—19 август) ва Москвада давлат тўнтаришига уриниш (18—21 август). Булар ҳаёт оқимини шунчалик тезлаштириб юбордики, етмиш йилдан буён исканжага олиб келган баъзи қолиплардан бирданига воз кечиш мумкин бўлди. Жумладан, 31 августда Ўзбекистон республикаси мустақил, деб эълон қилинди.

* * *

Экспедицияни тайёрлаш жараёнидаги ҳур орзуларимиздан бири — дастлабки оқ фотиҳани Тошкентнинг энг йирик масжиди бўлмиш Жомеъсида минтақанинг энг йирик дин пешвосидан олиш эди — рухсат беришмади. Тортишиб ўтириш ўринсиз, мақсад хавф остида қолиши мумкин. Биринчи зиёратгоҳ сифатида эса Зангиота ёдгорлиги танланди. Зангиота — Ойхўжа Тошхўжа ўғли машҳур Хўжа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг жияни — қадимда шу атроф-теваракни сўраб турган, бутун туркий-ислом дунёсида донғи кетган йирик диний-маҳзабий шахс ҳисобланган. Ёдгорликнинг тиклаги билан боғлиқ шундай ривоят бор. Маълумки, Хўжа Аҳмад Яссавийнинг мавқеи Туронзаминда беқиёс бўлган. «Мадинада — Муҳаммад, Туркистонда — Хўжа Аҳмад» деган муқоясанинг ўзиёқ буни кўрсатиб турибди. Соҳибқирон Амир Темур Яссавия таълимотини чуқур ҳурмат қилади ва Ҳазратни ўзининг пирларидан бири ҳисоблайди. Ихлос билан Яссавий мақбарасини таъмирлашга киришади. Лекин ҳаракатлар зое кетаверади — пойдевор қулаб тушаверади (чўкаверади). Бу синоатга машойихлар таъбир қиладиларки, Тошкент ва Қовунчи орасида дафн этилган улуғ зот — Зангиота Хўжа Аҳмад авлодларидан, унинг қабри қаровсиз ётибди, шу сабаб руҳи безовтадир. Магарки ишни у ёқдан бошламоқ жоиздир. Шундай қилиб, Зангиота қабрига мақбара тиклаш бошланади, Туркистондаги ишлар ҳам юришиб кетади.

...Ниҳоят, буюк бобомизни эслатувчи биринчи маскан. Кўча юзидаги ғиштин дарвоза билан масжид ораси юз метрлар бор. Йўлнинг икки тарафи майсазор, гулзор. Зиёратгоҳ ҳовлисига кичикроқ дарвозадан кириб бориларкан. Чап тарафдаги масжид яқинда таъмирдан чиқарилибди, рангларига ғубор кўнмаган,— ўткир, тоза. Тўрдаги хонақоҳ эса ярим вайрона ҳолида. Қурён тиловати — сеҳрли садолар янграйди. Ҳамма қабр атрофида чўкка тушган, кўзлар ерга қадалган, бошлар эгик. Эҳтимол, бошланган сафарнинг бехатар ўтиши ҳақида илтижо, улуғлар руҳини мададга ундаш чақириғи қалблардан кўчаётгандир. Ҳовлида имом-хатиб Қосимхон ҳожи билан суҳбатлашдик. Ул зот шу йил Ҳаж сафарини адо этиб келибдилар. Мақсадимизни эшитиб, бағоят хурсанд бўлдилар, дини Исломияга, миллий қадриятларга эътиборнинг ошгани фақат наф келтиришини таъкидладилар. Астойдил дуо қилиб, ҳар биримизга биттадан оқ белбоғ ҳадя этдилар. Бу латиф одат—оқлик инъом этилгани—кўнглимизни кўтариб юборди. Чиқишда кўзимиз гулзор ўртасида қўқ қайиб турган «монумент»га тушди. Ғалаба шарафига экан. Нариги хона музейми, расмхонами эмиш. Муқаддас қадамжо ҳовлисига буларни тиқиштиришни қандай тушуниш керак? Улкан иморатнинг остига зҳри қотил қўйилиб, секин емириб қулатган. Бу «ижод» муаллифлари ҳам шуни назарда тутдимиканлар?! Афсуски, қазиган чоҳларига ўзлари қулашди (шу ҳақиқат рост бўлсин).

Биринчи юзлашувдан кейин оқ вазмин ва ёруғ кайфият оралаб қолди. Муқаддас жойларнинг чинакам сеҳри бор. Қадам қўйишинг билан руҳда ажиб енгиллик, жонда улуғворлик пайдо бўлади. Майин ва хуш ҳавоси бор бу масканларнинг. Елкангдан кўринмас кучнинг салобати босиб туради, илоҳий сиймо олдида имтиҳон топшираётгандек сезасан ўзингни.

Бу даргоҳда Амир Темур номи кўп бор тилга тушди: гоҳ маълум ривоят сабаб, гоҳ бобомизнинг фақат тирикларни эмас, дунёдан ўтганларни улуғлаган ҳиммати сабаб ёки дарвозадаги «XV аср ёдгорлиги» деган қуруқ ёзувни ўқиб, жаҳонгирни қайта-қайта эсладик. Буюк Темурнинг инсоният олдидаги мислсиз хизмати ҳақида сўз кетганда уни йўқдан бор қилувчи, сеҳргар сифатида эмас, аниқ тарихий сиймо — ўзигача таркиб топган илғор анъаналарни давом эттирган, ривожлантирган, инсоният манфаатларига хизмат қилдирган илоҳотчи деб қараш керак бўлади. Зафарли XIV асргача ҳам Моваройуннаҳрда юксак маданият излари бор эди, Амир Темурнинг тарих саҳнасига чиқиши экилган эзгулик уруғларининг унишини тезлаштирди, тараққиётга янгича омил бағишлади, узоқ ривожланишни таъминлади. Фридрих Энгельс дўсти Карл Маркс ҳақида ҳаяжон билан қайта-қайта шундай деб ёзганди: «Унинг дунёга келиши хонаси келиб қолган тасодифдир. Мабодо, у беш юз йил олдин туғилганда ҳам одамзодга мислсиз эзгуликлар ҳадя этиши мумкин эди» («Анти Дюринг» — «Сиёсий иқтисод танқидига доир»). Амир Темурнинг таваллуд топиши ҳам ана шундай хонаси келиб қолган бахтли тасодиф эди. Даврнинг буюк ҳикмати шундаки, тафаккурнинг барча кўринишларида янгиланиш бошланди, илм-фан, адабиёт-санъат, меъморчиликда минг йилларнинг тамойилини белгилаб берувчи заминга асос солинди, қолаверса, Шарқ уйғониши (Ренессанс) тезлашди. Шу туфайли иморатларда, мусиқада ва бошқа жанрларда уйғунлик бор, бири иккинчисининг тадрижию давомига ўхшайди. Темур ва темурийлар жаҳон маданияти хазинасида ўз дастхатларини ўлмас қилиб қолдирганлар.

* * *

Гарчи Зангиота билан Оқсарой орасида минглаб чақирим йўл бўлса-да, умумий руҳ уфуриб турибди.

Ораликдаги масофани қарийб тўққиз соатда босиб ўтдик. Йўлда ҳар хил ҳангомалар бўлди, турли хотиралар эсланди. Сирдарёда косаси 4 сўмлик лағмондан текин ҳинд чойи кўпроқ ёққан бўлса, Омонқўтон қирларида Маматкарим полвон, Намоз ботир излари кўмилиб ётганидан ҳижолат бўлдик. Чироқчи ҳудудида ҳар қадамда учрайдиган европача номлар тишга теккан бўлса, Шаҳрисабзда йўлни адаштириб анча айланишга тўғри келди.

Қадимги Кешда Амир Темур руҳи ёнма-ён яшаётгандек. Тўйларда энг эзгу тилак сифатида ёш гўдакни бобосига менгзайдилар, фарзандларини ардоқлаб, унинг номи билан атайдилар. Бу ерда XX асрга қўйилган мангу ҳайкал —Оқсарой ҳаробалари қад ростлаб турибди — бузилган ва вайрон этилган қаср, жароҳатли обида. Ҳеч қачон мавҳум тушунчаларни мавжуд жисмлар ёрдамида бунчалик аниқ ифодалаб бўлмаса керак: инсон заковатининг бетимсол ижоди — нодир санъат асари ва унга муносабат. Давр мазмуни ҳақида истаганча мулоҳаза қилиш мумкин.

Шаҳар остонасида мотоциклининг ҳаво сигналини янгратиб, махсус фахрий кузатувчи кутиб олди, гўё тантанали қисм бошланди. Ҳавода саланглаб турган мис карнайнинг ҳайқириғи, унга жўр бўлган сурнайнинг эзгин навоси нақ Бағдод қўйнига етаклаб кирди. Йўқ, бу «Минг бир кеча» эртаклари эмас, қадрдон юрт манзараси. Мана, «соқолларини селкиллатиб» созни гирён қилаётган менинг қардошим — Саъдулла дорбоз, ёнида — Жўра масхарабоз. Одамлар тўплана бошлашди. Гап нимадалигини билишгач, юракдан алқаб, дуо қилишди, миннатдорчилик билдиришди: «Хўш келибсизлар, соҳибқироқ юртига!»

Темур ўз волидаи муҳтарамаси шарафига қурдирган, такрорланмас ва тенгсиз олий иморат бўлган Оқсаройнинг бугунги ҳолига боқиш — азоб. Уни тўпдан отишган, бузиб, ғиштини олиш учун ҳашарлар уюштирилган. Узунлиги 300 метр бўлган маҳобатли қасрдан, кириш портали — уйнинг даричасигина мунғайиб турибди. Уни тиклашга ҳеч ким, ҳатто адолатли ЮНЕСКО ҳам қизиқмаяпти (келишилган 2 миллион долларни ўтказмабди). Шаҳрисабз, умуман, унутилган гўша ҳолида экан — бу ҳақда шаҳар ҳокими ҳузуридаги суҳбатда куйиниб гапиришди. Яқинда ўтадиган Улуғбек юбилейи тадбирларида ҳеч нарса кўзда тутилмаган. «Буюк ипак йўли» харитасида йўқ, тарихи ҳақидаги китоб нашр этилмай турибди, юбилейи тилга ҳам олинмайди. (Бир мулоҳазани қистириб ўтмоқчиман: экспедиция давомида гувоҳ бўлдикки, Темурга таллуқли барча нарсалар атайлаб «унутилган», хароба ҳолига келтирилган. Бу, балки, тарихимиздаги нурли саҳифаларни йўқотмоқчи бўлганларнинг ишидир). Ҳолбуки, Шаҳрисабз соҳибқироннинг илк пойтахти, бу ерда падари бузруквори — Муҳаммад Тарағай Баҳодир, пири — Шамсиддин Мир Кулол, жувонмарг бўлган ўғли Жаҳонгир дафн этилган, Улуғбек қурдирган Дорут-тилавот шу ерда (гумбази — шаҳарда энг катта). Шунингдек, машҳур муҳаддис Исмоил Бухорий шу жойда таҳсил олган. Хисрав Деҳлавий ва Мирзо Бедилнинг ота шаҳри — Мозиканди биринчи марта VII асрда Шаҳрисабз усталари қўлашган. Ана шундай бой ўтмишга эга маскан, қачон ўз мавқеига муносиб, замонавий шаҳар бўлади? Шу ниятга йўл очилган бир даврда тарих юзидаги ғуборлар кўтарилишини, ҳамма нарса ўз ўрнига қўйилишини умид қилайлик. Суҳбатда айтилганидек, Ислом олами қачондир Муҳаммаддан кейин Амир Темурни тан олади. Илло, шу кунлар узоқ бўлмасин.

Биз ҳар қадамда одамларнинг хайрихоҳлигини, бобомизга нисбатан бардам қайфиятини ҳис этиб турдик. Одатда, баданнинг бирор жойига зарба тушаверса, қотиб, пишиб бораверади. Халқ руҳига яқин, унинг қиёфасини акс эттирувчи қадриятлар темир панжаралар билан қанчалар тўсилмасин, таъқиқ нечоғлиқ кучли бўлмасин, дамба қилинган сув тирқиш излагандек, ўша томонга қизиқиш ошаверар экан. Гарчи ҳадиклар кўтарилмаган, жаҳонгирнинг номи кўпларнинг рангини ўчириб турган бўлса-да, пайдо бўлган тирноқча рўшнолик — бизнинг бобомиз номини йўқлаб, шу тупроққа қадам қўйганимиз каттта ғалаба сифатида кутиб олинди. Одамлар ўз истакларига талпинар эдилар: бу шундай енгилмас куч ва майл эдики, отасини соғинган фарзанд унинг бағрига ана шундай иштиёқ билан интилиши мумкин, Яккабоғ шаҳрида Хўжаилғорда бу ҳис яна бир неча чандон ортиқроқ намоён бўлди.

Олтинкўл районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги аъзолари имкониятларидан келиб чиқиб, ўтган йилда 90 минг сўмга консерва цехи қурдилар ва шу йилнинг ўзида 158 минг шартли банка турли хилдаги маҳсулотлар тайёрладилар. Цехда 2 та бригада икки сменада фаол меҳнат қилиб, ишлаб чиқариш қувватларини уч ҳисса оширишни мўлжалламоқдалар.

СУРАТДА: цех ишчилари Шавкатбек Эгамбердиев билан Мавлудахон Раҳмонова тайёр маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Т. ҒОФУРОВ олган сурат.

* * *

Рўзномамизнинг фотомухбири Еркин БОТИРОВ олган мана бу суратда эса Заҳро Юсуфалиевани кўриб турибсиз. Тошкент вилояти Янгийўл районидаги Ўртаовул қишлоғи ҳудудида жойлашган Свердлов номли ишлаб чиқариш корхонасида ўн етти йилдан буён тўқувчилик қилаётган бу аёл ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаётир.

• «Халқ сўзи» аралашгач...

БОШҚАРМА ЖАВОБИ

«Халқ сўзи» рўзномасининг 1991 йил 18 сентябрь сонида эълон қилинган «Диёрига айланган диёр» сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов бошқармасида текширув олиб борилди ва қуйидагилар аниқланди:

1989 йилнинг 4 ноябрь куни соат 22 дан 55 дақиқа ўтганда ҳайдовчи Бўриев Олим отасига қарашли ГАЗ-21 маркали, давлат номери Б 27—97 ДД машинани Олмаота—Термиз автомобиль йўлининг 1018-километрида бошқариб келаётганида «Мингчинор» чойхонаси қаршисида Мадалиев К., Меликоев Д., Умирзоқов И. ва Тошматовни уриб юборган. Натижада Тошматов тан жароҳати билан касалхонага ётқизилган, қолган пиёдалар оғир жароҳатлар олганликлари оқибатида вафот этганлар.

Ушбу йўл-транспорт ҳодисаси бўйича Жиззах вилояти Ғалларорол район ички ишлар бўлимининг терговчиси Н. Исроилов томонидан 1989 йил 5 ноябрь куни УзССР ЖКнинг 208-модда 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилган. Дастлабки тергов даврида тўпланган материаллар асосида ҳайдовчи Бўриев автомобилни тормозлаш йўли билан ҳодисанинг олдини олиб қолиш имкониятига эга бўлмаган деб топилиб, жиноий иш ҳаракатдан тўхтатилган. Терговчиларнинг қарорларини район, вилоят прокурорлари бир неча маротаба бекор қилиб, қўшимча тергова қайтаришган. Ниҳоят, 1990 йил 28 ноябрда терговчи Пардаев ҳам шундай қарор чиқарган.

Мазкур жиноий иш Жиззах вилояти прокуратураси томонидан қайта ўрганилиб, терговчининг қарори бекор қилинган ва қўшимча тергов олиб боришга қайтарилган.

Ҳозирги кунда рўзномада баён этилган фикрлар, жабрланувчиларнинг кўрсатмалари ва тўпланган бошқа ҳолатлар атрофлича ўрганилиб, уни қонуний ҳал қилиш Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини О. Алланазаров зиммасига юклатилди. Вазирликнинг тергов бошқармаси ҳам ишларнинг боришини ўз назоратига олди.

Иш ниҳоясига етказилгач, терговчилар масаласи кўриб чиқилади.

К. БУРҲОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиғининг муовини, милиция полковниги.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ УСТИВОР БЎЛСИН

1991 йил 17 октябрь.

БИСМИЛЛАҲИР роҳманир роҳим. «Қалам учида алам» рукни остидаги «Жоҳиллик» сарлавҳали мақола муаллифи Набижон Собир виждон эркинлиги ҳақида фикр юритиб, диний қадриятлар тикланаётганлигини мисоллар билан таъкидлайди, лекин муболағага йўл қўяди, зеро, «...юзлаб, мингларлаб масжидлар, мадрасаларнинг очилиши...» ҳақида жар солишга ҳали вақт эрта. Мактубимизнинг мақсуди бу эмас, гап мақоланинг бошқа хусусида. Марғилонда юз берган воқеалар ҳақида ҳам бир нима дея олмаймиз, илло, уларни ўз кўзимиз билан кўрганимиз йўқ. Агар Софияхон Камолова асори атиқаларни уриб синдирганлиги ҳақидаги маълумот ҳақиқат бўлса, биз унинг бундай йўлини оқлай олмаймиз. Дарҳақиқат, аёллар, қизлар учун ҳам диний билим берадиган ўқув маскани зарур. Бу келажакда хотин-қизларни хурофот ва бидъатдан озод бўлувлари йўлидаги бир қадамдир. Лекин масалани тинч йўл билан, музокаралар воситасида, жамоатчилик фикрига таянган ҳолда ҳал қилиш керак эди. Алалҳусус, мактубимизнинг мақсуди бу ҳам эмас.

Муаллиф Қўқон раҳбарларининг «сахийлиги» туфайли пионер лагерлари диний ГУРУҲларга сотиб юборилганлигидан азият чекади, у ерда бўйнига қизил бўйинбоғ таққан пионерлар эмас, балки «муллаваччалар» ўқишини тасаввурига сиғдира олмайди. Шунингдек, мадрасада болалар диний таълим эмас, жисмоний чиниқиш машқлари билан машғул эканликларидан капалаги учади.

Шуни таъкидлашимиз зарурки, лагерларнинг диний жамоалар томонидан сотиб олинишида мавжуд қонунларга тўла риоя қилинган.

Мадрасадаги машғулотларга келсак... Қани ўзингиз холисаниллоҳ айтинг-чи, қайси мактаб ёки ўқув юртида жисмоний тарбия дарси ўтилмайди? Қайси халқ, қайси юрт, қайси ҳукумат ўз фарзандларининг жисмонан заиф бўлиб ўсишини хоҳлайди?

Маълумотингиз учун: жисмоний тарбия машқлари бизга ҳам мозийдан мерос бўлиб қолган. Жаҳонга машҳур паҳлавонлар: Паҳлавон Аҳмад Замчи, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқалар гуштичирлик илмини (танани жисмоний жиҳатдан етиштириш ҳамда шарқ кураши) мадрасада олганлар. Қоҳира, Бағдод, Фас, Истамбул, Машҳад, Қозон, Уфа, Тошканд, Хўқанд мадрасалари ўқув дастурларига жисмоний тарбия машқлари ҳам киритилганлиги тарихдан маълум.

Диний таълим масаласига келсак, муаллиф ташвишланмаса ҳам бўлади. Бу ерда етук дин арбоби ва комил мусулмон ўрганиши зарур бўлган барча билимлар берилмоқда. Унинг Қўқон мадрасасидаги машғулот ҳақидаги фикрлари мадраса фаолияти ҳақида жамоатчиликда нотўғри тасаввурлар пайдо этиши мумкин.

Шу муносабат билан биз, Қўқондаги «Камолот» мадрасаси мударрислари ва толиби илмлари навбатдаги сондардан бирида ушбу эътирозларимизнинг чоп этилишини талаб қиламиз.

Аллоҳу акбар!

Эҳтиром ила: **Нурматов, Маллабоев, Ҳамидов... жами 88 имзо.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚОНУНЧИЛИК, ҚОНУНИЙЛИК ВА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСАЛАЛАРИ КОМИТЕТИГА

МАКТУБ

Биз, ўз сайловчиларимиз ваколатига эга бўлган Ўзбекистон халқ депутатлари, ҳамда Тошкент шаҳар ва Чилонзор ноҳияси кенгашларининг бир гуруҳ депутатлари Сизга Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессияси арафасида «Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси масаласи юзасидан мурожаат қиляпмиз.

Республика Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VII сессиясида кўриб чиқилган ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган бу қонун лойиҳаси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга, чунки қонун республика тарихида биринчи марта мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳуқуқий асосда умумхалқ томонидан сайлаш имконини беради.

Чилонзор ноҳиясидаги барча даражадаги депутатлар, меҳнаткашлар ва шу ноҳияда истиқомат қилувчилар ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этдилар. Улар муҳокама жараёни Ўзбекистон Президентининг ҳақиқий демократик сайловини чинакам ҳуқуқий асосда ўтказишни кафолатлашига ишонч билдирадилар.

Республика Олий Кенгашининг бўлажак сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши ва сайлов куни белгиланишини эътиборга олиб, биз ушбу масала юзасидан ўз таклифларимизни киритмоқчимиз.

Қонун лойиҳасининг 9-моддасида «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши ёки унинг Раёсати сайловдан камида 60 кун олдин тайинлайди» деб белгиланган.

Биз республика Президенти сайловини 1991 йилда, яъни қисқароқ муддат ичида ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу ишнинг амалга оширилиши ўтиб бораётган йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини анча мустаҳкамлаш ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш ишида дадил қадам қўйиш имкониятини яратади.

Мамлакатда ҳам, республикада ҳам юзага келган ижтимоий-сиёсий шароит Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 1992 йилга қолдирмай ўтказиш зарурлигини тақозо қиляпти.

Ўзбекистон Республикаси даражасида ҳам, жойларда ҳам давлат ҳокимияти тузилмаларини ўзгартириш ҳақида қонун қабул қилинади, деб ўйлаймиз. Лекин, фикримизча, Ўзбекистон Президентини умумхалқ томонидан сайлаб олмасдан туриб, тузилмаларни ўзгартиришга киришга олмаймиз.

Суҳбатларда оддий меҳнаткаш халқ республика Олий Кенгаши томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш чўзиб юборилганидан таажжубланиб, қонун лойиҳасида белгиланган сайловни тайинлаш муддатига қўшилмаслигини билдираяпти.

Депутатлар, меҳнаткашлар ва аҳоли бугунги кунда Президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлаяптилар, чунки республика ҳудудида яшовчи ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг осойишталиги ва келажаги ушбу ҳокимиятга, Президентнинг шахсига боғлиқдир.

Бугун ҳар бир одам, қайси бир партиянинг аъзоси, диндор ёки дахрий бўлишидан, қайси миллатга мансублигидан қатъий назар ягона бир мақсадни кўзда тутяпти, у ҳам бўлса — республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий ҳимояни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашдир.

Бизнинг таклифларимиз ушбу масалани ҳал қилиш ваколатига эга бўлган республика Олий Кенгаши депутатлари, барча шахслар томонидан кўриб чиқилиб қўллаб-қувватланади, деб ўйлаймиз.

ЎЗ САЙЛОВЧИЛАРИМИЗ НОМИДАН:

АБДУЛЛАЕВ А.	КРУШЕЛЬНИЦКИЙ В.
АСОМОВ Б.	ҚУРБОНОВА Н. У.
ОТАЕВ О. А.	РАСУЛОВ Б. К.
ИНОҒОМОВ Б. К.	САДИҚОВ М.
ИСМОИЛОВ О. Ж.	СОИБНАЗАРОВ С.
ИСМОИЛОВ О.	УМАРОВ Қ. У.
ЭШОНХЎЖАЕВА О. О.	САМИҒЖОНОВ Э. Р.

МАҲАЛЛА ВА МАВЗЕ КОМИТЕТЛАРИ НОМИДАН:

ОРТИҚОВ Б.	—	«Алгоритм-2» мавзеси
ИБРОҲИМОВ Ҳ.	—	10-мавзе
ИСҲОҚОВ А.	—	1-мавзе
САИДҚОСИМОВ А.	—	9-мавзе
МУТАЛИЕВ Э.	—	«Маданият» маҳалласи
САЪДУЛЛАЕВ Н.	—	«Мевазор» маҳалласи
КАРИМОВ Ғ.	—	«Қурилиш» маҳалласи
ТЎЛАГАНОВ Б.	—	«Тинчлик» маҳалласи
РАЖАБОВ Н.		9-мавзе

Таклиф

ҚОНУНЛАР—ТАБИАТ ҲИМОЯСИДА

Иқтисодиётнинг ривожланиши билан экологик талаблар ўртасидаги қарама-қаршиликлар борган сари катта-катта талофотларга сабаб бўлмоқда. Ҳалокатлар аксарият ҳолларда экологик ҳуқуқий тартиботнинг қўпол равишда бузилиши натижасида юз бераяпти.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларни бузиш ҳоллари кенг илдиз отиб кетган. Экологик вазиятни оғирлаштираётган, табиатга носабатда бўлаётган минглаб шахслар жазосиз қолишаяпти. Сабаби — қонунларимиз мукаммал эмас. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 115[1]-моддасида дарёлар, кўллар ва бошқа ҳавзалар ҳамда сув манбаларини саноат ва коммунал корхоналардан чиқадиган тозаланмаган, зарарсизлантирилмаган оқова сувлар, чиқитлар билан ифлослантириш натижасида кишилар соғлиғига ёки қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига зарар етказишгина жиноят деб белгиланган. Лекин масаланинг нозик бир томони бор. Ушбу зарарни ҳар доим аниқлаб бўлавермайди. Одамлар касал бўлсалар ёки қишлоқ хўжалик экинларидан кам ҳосил олинса-да, бу ноҳушликларнинг асл сабаби сув манбаи эканлигини билишмайди, чунки зарар тезда юзага чиқмайди. Лекин сув манбаини шу қуйга солаётганларни жиноий жавобгарликка тортиб бўладими? Йўқ, негаки юқоридаги моддада сув манбаидан зарар кўрган кишилар дарҳол касал бўлиши ёки тез кунда экинлар қуриб қолиши жиноят, деб белгиланган. Бу модда амалда кам қўлланилишининг сабаби ҳам ана шунда. Демак, сув манбасининг ифлосланиб, кишилар соғлиғи ва атроф муҳитга муттасил, секинлик билан хавф солаётгани жиноят ҳисобланмайди. Бизнинг фикримизга кўра, сув манбаларининг шундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида заҳарланиши ёки ифлосланиши, агар улар кишилар соғлиғи ва атроф-муҳит учун хавф солаётган бўлса, жиноят деб қаралиб айбдорлар жавобгарликка тортилиши керак.

Экологик жиноятларнинг Жиноят кодексида акс этмаганининг асосий сабаби қонунлар мажмуи қабул қилинган 60-йилларнинг бошларида табиатни муҳофаза қилиш ишлари ҳозирги пайтдагидек долзарб муаммо эмасди, бинобарин, экологик ҳуқуқбузарлик ва экологик жиноят тушунчалари турмушда ҳам, фанда ҳам қўлланилмас эди. Табиатни муҳофаза қилиш ишларига, юмшоқ қилиб айтганда эътибор берилмасди. Билъакс: «Биз табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмай, ундан ҳамма нарсани олишимиз керак!» — деган шиор устун эди.

Шундай қилиб, **Ўзбекистон ССР Жиноят кодексидаги юқорида айтиб ўтилган камчиликларга барҳам бериш мақсадида унинг алоҳида бўлимини «Экологик жиноятлар» деб аташ зарур.**

Ҳозирги пайтда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган қонун-қоидаларнинг ривожи анча сусайиб қолган дейиш мумкин. Мамлакатимиз ҳаётидаги иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар, бозор муносабатларининг вужудга келиши — бир томондан ва иккинчи томондан, экологик танглик ва талофотлар кескинлашиб кетган табиий захираларнинг арзон хом ашё сифатида бозор муносабатларининг «қурбони» бўлиши хавфи тобора кучаяётган ҳозирги пайтда мавжуд экологик қонун-қоидалар ҳанузгача қаҳқий «қайта қуриш» жараёнини бошдан кечиргани йўқ. Чунончи, жамҳуриятимиз мустақиллиги мустаҳкамланаётган бир пайтда **атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида Қонун, махсус муҳофаза қилинадиган табиат объектлари тўғрисида Қонун, фойдали қазилмалардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тўғрисида Қонун, атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизми тўғрисида Қонунларни** қабул қилиш айни муддао бўлар эди. Шундай қонунларни ишлаб чиқиш бўйича жумҳуриятимиз анча орқада эканлигини ҳам айтиб ўтиш зарур.

Бироқ янги қабул қилинган қонунлар ҳам камчиликдан холи эмас. Масалан, Ўзбекистон ССРнинг Ер тўғрисидаги Қонунини олиб кўрайлик. Бизнинг назаримизда шу қонуннинг 64-моддасида ерга нисбатан амалда содир этилаётган айрим нохуш ҳаракатлар кўрсатилмаган. Бундай ҳаракатларга: а) ажратиб берилган ерлардан маълум муддат (1-2 йил) ичида фойдаланмаслик; б) суғориладиган ерларнинг ҳолатини асоссиз ёки тегишли рухсат олмасдан ўзгартириш; в) ердан фойдаланишнинг алмашлаб экиш қоидаларини бажармаслик; г) ердан фойдаланишда органик ўғитлардан фойдаланиш, д) ерларни суғориш қоидаларини бузиш; е) сув ва шамол нуратишига қарши курашмаслик ва ҳоказолар киради.

Хуллас, экологик қонунчиликни ривожлантиришда эътиборни дастлаб табиат саломатлигига қаратиш керак, чунки табиат соғлом бўлса, инсон омон бўлади.

М. ҒУЛОМОВ,
Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти доценти, юридик фанлар номзоди.

И. ЖУРАЕВ,
СССР Фанлар академияси давлат ва ҳуқуқ институти докторанти.

ҚАЛБ ЁЛҚИН СОЧСА...

Машраб Бобоев қиёфасига чизгилар

Бу кунда эллик ёшини нишонлаётган Машраб Бобоевни асли қалами ёниқ, қалби уйғоқ шоир сифатида таниймиз. Унинг илк тўпламларидан бири — «Онамга хат» шоирнинг ўзига хос услубини яққол намоён қилган эди. Ундан ўрин олган шеърлар азиз тупроқ, азиз Ватан меҳри улуғворлигидан, фарзандини кутиб сочларини оқартирган онаизор муҳаббати беқиёслигидан, ўзликни таниш саодатидан баҳс юргизади. «Сўз» китобини қоп эттириш билан эса Машраб Бобоев назм оламида яна ҳам залворлироқ қадам ташлади, у ўз мухлисларига дардли, армонли қалбининг беғубор инсоний кўламларини маҳорат билан намойиш эта олди.

«Ёзувчи» нашриёти «тандири»дан яқиндагина «узилган», ҳали совиб улгурмаган «Мен билган сир» китобида Машраб Бобоев назмий ижодининг қаймоғи жамланганини фахр билан таъкидлаймиз. Энди биз ушбу мажмуа тимсолида катта ҳаётий тажриба тўплаган, ўзига қатъий ишонган, ижтимоий турмуш муаммолари ҳақида таъсирли ҳам кенгроқ миқёсда мушоҳада этадиган, воқеа-ҳодисалардан муҳим фалсафий хулосалар чиқаришга қодир санъаткорни кўриб қувонамиз.

Шубҳасиз, бир пайтнинг ўзида уч жабҳада қалам тебратиш мутлақо осон эмас. Бунга эришиш, хусусан, муайян ижодий ютуқларни қўлга киритиш учун ижодкор аввало ўзига астойдил ишониши лозим. Баъзан адабий суҳбатларда Машраб Бобоев катта истеъдод эгаси эканлиги, бироқ имконияти даражасида ёзмаётганлиги ҳақидаги фикр қулоққа чалинади. Бу фикрда озми-кўпми жон бўлиши мумкин, лекин умуман олганда, адибимиз назмда ҳам, драматургияда ҳам, насрда ҳам самарали изланаётгани, ҳар учала соҳада дилларни жунбушга соладиган, турли тақдирлар, турли характерлар ҳақида ўйлашга мажбур этадиган асарлар яратаётгани диққатга моликдир.

Машраб Бобоев драматургия майдонига шиддат билан, ўз сози, ўз овози билан кириб келганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Драматург сифатида авваламбор оддий одамлар тақдирига қизиқади, жозибали ва ҳаётий сўз воситасида инсон ақлу идрокидаги баркамоллик ва таназзулни теран таҳлил этади. Замоннинг оғриқли жойларига малҳам босиш пайида бўлади. Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва бошқа шаҳарлар театрларида унинг «Ўттиз ёшлилар», «Ғурунг», «Мушкул вазифа» каби пьесалари асосида қўйилган спектакллар ҳақли равишда халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

«Номсиз юлдузлар» қиссаси, бошқаларни билмадим, тоза самимияти билан кўнглимни ром этган. Агар ижодкор назмида «Мен билган сир», драматургиясида «Мушкул вазифа» ҳаётийлик ва жанговарликда маълум юксаклик касб этган деб ҳисобласак, унинг насрида худди шундай ҳолатни «Номсиз юлдузлар» гавдалантиради. Носирларнинг йиллик муҳокамасида қиссанинг айрим ўринлари, аниқроғи, бош қисми «эскича», яъни анъанавий усулда ёзилганлиги танқид қилинган эди. Бу фикрда маълум даражада ҳақиқат борлигини эътироф этган ҳолда, асар тасвирида сирли бир жозиба, ўйноқилик, қишлоқ манзарасига мос тушадиган холисона соддалик анча устунлигини таъкидлагим келади. Адиб инсоният бошига мислсиз қаро кунларни солган уруш фожиасини очиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва асосан бунга эришади.

Назаримда, «Номсиз юлдузлар» ғалабада ҳал қилувчи омилга айланган, жанггоҳ орқаси уқубатлари, изтироблари ҳақида ўзгача жозиб пафос билан куйланган мунгли қўшиқдир. Бу қўшиқдаги аччиқ алам, қайғу, мотамсаролик, фожеий тўлғанишлар саҳифадан саҳифага ўтганингиз сари дилингиздан жой ола боради, дилингизни эзгин-эзгин оғритади. Даҳшатли азоб муҳитига тушиб қолган, лекин умидини сўндирмаган образларни суйиб қоласиз, улар дарди-қувончига шерик бўлгингиз келади, улар туяётган фожиа зарбини ҳис этиб беихтиёр энтикасиз.

Қиссадаги асосий топилма — Сулув янга тақдири. У илгари учрамаган, биз кўникиб қолган образларга ўхшамайдиган, ўз қадди-қиёфаси, ички дунёсига эга бўлган мунис, оқила, фидойи ўзбек аёлидир. Ҳикоя қилувчи шахс — Эшматжон Сулув янгага ўзини яқин олади, унинг дардларини болалик кўнглидан ўтказиб, оғир-оғир хаёлларга ботади.

Эшматжон ҳали балоғатга етмаган, аммо тийрак фикрли бола, шу сабабли у турмуш «икир-чикир»лари хусусида катталар каби мушоҳада юритади. Мақсади — тезроқ улғайиш, ҳаёт моҳиятини тезроқ англаш... Бир кун у Сулув янгадан: «Уруш нима?» — деб сўрайди. Яқиндагина тўйи бўлган, севикли ёридан бир умрга ажралган, ҳўкиз ўрнида омоч тортишдек таҳқирли ишга кўникишга мажбур бўлган Сулув янга дафъатан жавоб айтолмайди. Кейин эса... айтади кўнглидагини! Айтганда ҳам боплаб айтади: эҳтиросга, изтиробга, қаҳру аламга кўмилиб... онадан туғилганидагидек бир аҳволда...

Туш қизиғида улар ариқда чўмилишади. Бир пайт Эшматжон қараса, Сулув янга қип-яланғоч... Болакай уялади, нари кетади, Сулув янга эса ўз дарди-ғамига берилган, шу кўйи уни қўймай ёнига чақиради. Болакай ҳайрон: рўпарасида мўъжиза турарди, ҳайкал турарди, ҳайкалки, «...жонсиз, совуқ эмас, жонли, тирик, жозибали, гулхандай ёниб, олови, ҳарорати, жимирлаб турган сароби билан ўзига имлагани имлаган, чорлагани чорлаган, тортгани тортган эди». Ана шу ҳайкал гўзаллигини елкалардаги бўйинтуруқ қолдирган қора-қизғиш чизиқлар бузган эди. Сулув янга уларни болакайга кўрсатади ва дейди: уруш мана шулар, нафис танни чиритаётган яралардир!

Сулув янга шундай дея аламда қоврилади, бора-бора алами бир умрга ардоқсиз, жавобсиз қолган эҳтиросини юзага қалқитади. Эҳтирос алангасида у жунунваш қиёфа олади, ўзи ўзлигини, бутун борлиқни унутади. Ҳануз лолу қайрон турган болакайга осилади, маъшуқа каби осилади. Болакайни қайноқ бўсаларга кўмиб ташлайди. Илгари Сулув янга уни кўп ўпган, лекин бу ўпичлари аввалгиларига сира ўхшамасди. Нимадир юз берганини бола сезади, лекин ўша нима, не ҳодисотки, Сулув янга бунчалар ўзгариб қолди!?

Гап шундаки, руҳиятда ботин бўлган тўлғоқ фожиага замин яратди. Ҳали Эшматжон бундан бехабар, ҳатто Сулув янганинг ўзи ҳам. Ногоҳ ўзига келдию англади не юз берганини. Хаёлан, ҳа, ҳа, хаёлан у севгилисига, жангда фидойиларча ҳалок бўлган ёри Қўчқор хотирасига хиёнат қилган эди. Кутилмаганда Қўчқордан келган хат Сулув янга кўнглидаги пинҳоний пушаймонни нақд аланга олдиради, у фикран қилган хиёнатига ўлими билан жавоб беришга аҳд қилади. Қўчқорга аталган, лекин жўнатилмаган хатида ёзмишки: «Хиёнат бир мартагина, фикрда пайдо бўлса ҳам, барибир пайдо бўлган эди. Уни йўқ қилиб бўлмайди. Уни йўқотадиган битта чора бор — ўлим!»

Савол туғилади: фожиа асосини қўйган руҳий тўлғоқ қаёқдан келди? Жавоб шуки, уни юзага чиқарган қаттол омилга айлантирган нарса урушнинг қонга бўялган, одамзот оҳу нолалари, инграшлари билан тўйинган моҳиятидир. Уруш қўчқорларни бевосита олов ичида, жангу жадал қўйнида ўлдирган бўлса, Сулув янгага ўхшаганларни у олис-олисдан туриб қабоҳат милтиғидан нишонга олди ва ҳалок этди. Машраб Бобоев мана шу фожиани бетакрор тимсоллар воситасида очиб бергани учун ҳам «Номсиз юлдузлар» диққатга молик бадиий қиймат касб этади, қиссани ўқиб чиққанимиздан сўнг уруш даҳшатларини янада чуқурроқ тушунамиз, унга нисбатан қаҳру ғазабимиз тағин ҳам кучаяди.



Жўшқин куч-ғайратга тўлиб-тошган севимли ижодкоримиз келгусида санъатнинг қони ва жони бўлган омиллар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англашига, халқимизни севинтирадиган тағин ҳам баркамол асарлар яратишига аминмиз ва севимли ёзувчимизни эллик ёши билан самимий муборакбод этамиз.

Асад ДИЛМУРОД.

Хоразм вилояти Хива районидаги қобилиятли болаларни ўқитишга ихтисослашган Баёний номли махсус мактаб ўқувчилари ҳисоб машғулотларини, инглиз тилини ўрганишни ЭҲМлар ёрдамида амалга оширмоқдалар. Шунингдек «Мактаб экология жамияти» тузилган бўлиб, унинг аъзолари Орол муаммоларини ЭҲМлар ёрдамида ўрганадилар.

СУРАТДА: ёш менежерлар тўгарагининг аъзолари ЭҲМлар ёрдамида тил ўрганмоқдалар.

К. ОТАЕВ суратга олган. (ЎзТАГ).

Акс – садо

ИНСОННИ ТИРИГИДА ЙЎҚЛАНГ

Ўзбек — болажон, «Болалик — подшолик», дейдиган халқ. У, етимак Ғурўғлини пировардида Чамбил тахтига олиб чиққан, эртакларида Сусамбил деган хаёлий — бахт-саодатли мамлакатни барпо қилган. Лекин кейинги йилларда бошига кўп кўргиликлар тушди: ҳозир ўлкамизда болалар ўлими кўп. Еримизнинг, сувимизнинг саломатлигини қайтармоғимиз керак... Жон талашиб ётган Орол оғзига сув томизиб ўтиргандекмиз...

Синовлар одамларни якдил ва қудратли қила олади. Наврўзни, Меҳржонни, урф-одатларимиз, анъаналаримизни ҳимоя эта олдик. Фарғона, Қўқон, Ўш, Паркент фожиаларининг асл сабабларини яширмоқчи бўлганларида, алдонмадик. Жумҳурият мустақиллигини эълон қилдик. Буларнинг ҳаммасида халқимизнинг миллий уйғониши намоён.

Миллатнинг якдиллиги аниқ ишларда кўзга ташланади. Болага ҳурмат, ота-онага эҳтиром туйғуси — халқ маънавиятининг туғма хусусиятларидан. Шунинг учун бизга аждодларимиздан ҳешар мерос бўлиб қолган. У турли шаклларда рўёбга чиқиши мумкин.

«Халқ сўзи»даги «Темурни асраб қолайлик» сарлавҳали мақолани ўқиб, биз ниҳоятда таъсирландик. Уч яшар Темурнинг оққон касалига чалинган норасида ҳаётини сақлаб қолишга — савоб ишга даъватни туққан-туғишган ҳамдардлиги билан қабул этдик. Биз, 1992 йил январидан бошлаб нашр этиладиган «Мактабгача тарбия» илмий-методик, ахлоқий-таълимий журналининг меҳнат жамоаси бир кунлик иш ҳақимизни Темурнинг даволаниб келиши учун очилган ҳисобга ўтказишга қарор қилдик.

Яна шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, журналимиз тарбиячилар, ота-оналар, мактабгача тарбия ёшидаги болалар дарду қувончига шерик.

Зеро, ота — Ҳамид Ваҳобовнинг, она — боғча тарбиячиси Зулфия Мансурованинг, дилбанд — уч яшар Темурнинг юрагига бирдан чанг солган хасталикни даф этишда иштирок этишга бурчли эканлигимизни юрак-юракдан сезамиз.

Модомики, шундай экан, биз Темурнинг саломатлиги ҳимоясига «Халқ сўзи» рўзномаси билан биргаликда отланамиз, бу йўлда қўлимиздан келган ҳамма ишларни амалга оширамиз. Нашр кўрсаткичи 75310 бўлган журналимизга ёзилган барча муштарийларимизни, бўлғуси обуначиларимизни, жами тарбиячилар, ота-оналарни, хориждаги ватандошларимизни, кўнглида муруввати бор ҳар бир кишини «Халқ сўзи»нинг савоб ишга даъватини қўллаб-қувватлашларини сўраймиз. Барҳаёт шоиримиз Мақсуд Шайхзода ёзганидек:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,
Салом деган сўзнинг салмоғин оқланг,
Улганда юз соат йиғлаб тургандан
Уни тиригида бир соат йўқланг.

Ҳаракатда — баракат. Якдил бўлсак, Темурнинг ҳаётини албатта сақлаб қоламиз. Ярали бўлсак, Оролни тиклай биламиз. Якдил бўлсак, Узбекистон мустақиллигини тўла-тўкис таъминлаймиз.

Муҳаммадали ҚУШМОҚОВ,
«Мактабгача тарбия» журнали бош муҳаррири.

ЁЗИЛМАГАН РЕПОРТАЖ

ЕКИ ЭМИЛЬ ЗОЛЯ БЎЛОЛМАГАНИМ ҲАҚИДА

БУ воқеага анча бўлди. Вилоят рўзномасида ишлардим. Кунлардан бир кун французз адиби Эмиль Золя ҳақида хотираларни ўқиб қолдим. Эмиль Золя извош тагида қолган кишининг руҳий ҳолатини тасвирлаш учун ўзини извош тагига ташлаган экан. Миямга ялт этиб бир фикр келди. Рўзномада ишлаётганимга анча бўлибди-ю, аммо ҳалигача шовшувга арзирли мақола ёза олганим йўқ. Бир ўзимни кўрсатсам-чи муҳаррирга!

Ҳушёрхонадан репортаж ёзсам?! Тўғри, бу хилдаги мақолалар кўп. Лекин меники бошқачароқ бўлади.

Шундай фикр билан ҳушёрхонага бордим. Бошлиғига учрашдим. Майор унвонли сипоҳи таклифимни мамнуният билан қабул қилди.

— Маст-аластлар жамиятимизга доғ туширимокда, — деди у. — Уларни аёвсиз фош қилишимиз керак. Лекин қандоқ бўларкин, сизни мастлар ичига қўйсам. Ҳар хил кишилар бор, сиз соғ, улар маст бўлса...

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, — дедим илгаридан калламда «пишиб» келган режамни ўйлаб. — Мен ҳам ичиб маст бўламан, фақат чора кўрмайсизлар.

Келишдик. Мен ҳушёрхонанинг шундоқ биқинидаги ресторанда маст бўлиб турадиган, миршаб машинаси келиб олиб кетадиган бўлди.

Тезроқ маст бўлиш ниятида ресторанда коньяк билан аракни аралаштириб туширган эдим, бир зумда кайфим ошди. Кўнгил тўқ, ёмғирпўшимни судраб, одамлар гавжум жойларда уларнинг оромнини бузиб сўкиниб юрибман. Улар мендан ҳадиксираб, ҳазар қилиб четлашишади. Биронтаси тартибга чақирай демайди. Шунда билдим мастнинг нақадар даҳшатли бўлишини. Ҳалиям хотинларимизга балли, барига чидашади.

Сандироқлаб анча юрдим. Мени олиб кетгани машина келавермагач сиплам қуриб, қулайроқ бир жойни танлаб ухлаб қолибман. Қоронғу туша бошлаган пайт ўзимга келсам, икки миршаб қўлтиғимдан тутиб машинага чиқаришаяпти. Кўзимни зўрға очиб ғўлдирадим: «Ниҳоят кепсизлар-да, раҳмат, нега кечикдинглар...»

Улардан битласи қўпол сўкиниб мени машина ичига итариб юборди. Кемадек чайқалиб кетаяпмиз. Машина ичида мендан бошқа яна беш-олти одам бор. Йўлда яна уч-тўрттасини бизга қўшишди. Ҳаммалари менга ўхшаб шалпайган, сўлжайган. Биттаси нақ оёқларим остига қайт қилиб юборди. Миршаблардан бири яна сўкиниб, мастни бурчакка қапиштирди.

Вой-бўй, бу ҳушёрхона деганлари нақ томошахона-ку! Ғалағовур, сўкинган ким, ёлворган ким... Сипоҳи мени сўроқ қилди:

— Исми-шарифингиз, иш жойингиз?..

Айтдим. У истеҳзо билан қараб қўйди. Бошим ғувуллаб, ухлагим келаяпти. Ўйлайман: «Ҳозир менга шароит яратиб берса керак. Майли, мастларнинг ҳолини бир синчиклаб кузатай. Гап ёзишга келса, у ёғини... амаллаймиз».

— Қани ечининг,—деб қолди бир вақт сипоҳи.

— Нима дедингиз?

— Гапни чўзманг, ечининг, вақт кетаяпти.

Ие, булар мени ким деб ўйлашаяпти. Энди яланғоч бўлишим қолувдими. Юзимга жиддий тус бериб, сипоҳига буюрдим:

— Қани, майорни чақиринг. Мен таҳририятнинг махсус топшириғи билан келганман.

Шундай деганимни биламан, олдимда қаққайиб турган даванг миршаб: «Мана сенга майор, мана сенга таҳририят, махсус топшириқ», деб менга чанг солди. Бир дамда уст-бошимни шилиб олди. Ёмғирпўш ва костюмимнинг тугмалари ҳар томонга потирлаб учиб кетди. Битта шимда қолдим. Даванг яна хезланаётган эди, додлаб юбордим.

— Жон ака, шимимни ўзим ечаман.

Шу пайт даванг мени катта залга олиб ўтди. Каравотлар қатор қилиб қўйилган. Ҳаммасида оқ чойшаб. Йигирматами, ўттизтами каравотда—йигирматами, ўттизтами ярим яланғоч одам. Сўкингани қайси, кулгани қайси, жиннилик қилгани қайси... Биттаси тўполонни авжга чиқарган эди, даванг уни каравотга ётқизиб, қўлларини қайиш билан боғлаб қўйди.

Шовқин-сурон ниҳоят тинди. Ухлаб қолибмиз. Эрталаб тунда осмонга сапчиган одамларнинг аҳволини кўриб ҳайрон қолдим. Ҳаммасининг боши эгилган, пушаймон егани қанча, ялтоқланиб миршабларга қараганлари қанча.

Яна ўша сипоҳига рўпара бўлдик. У нимадир ёзар экан, менга: «Ҳайф таҳририят», деб қўйди. Тушунтирай десам, қани тилим айланса. Кийимимни беришди. Нариги хонага чиқиб туринг, дейишди. Айтгандай, бу ерда бир кеча ётганимиз учун жарима ҳам тўладик. Кўплар, пулимни олиб қўйишибди, деб нолишди. Кийиндим. Кийимларимда битта ҳам тугма йўқ, қорним очилиб, майкам кўриниб турибди. Ёмғирпўшимга ўралиб олдим.

Ун бештача одамни усти ёпиқ машинага тиқишди. Кечагидан негадир камайиб қолибмиз. Сувга шўнғиган арман ҳам кўринмайди. Шундан сўнг саёҳатимиз бошланди. Ҳушёрхонадаги тартиб бўйича бу ерга тушган ҳар бир кишини ишхонасига ёки уйига олиб бориб «кўз-кўз» қилишар экан.

Шанба куни эди. Тушунарлики, кўпгина ташкилотлар ишламайди. Шунинг учун кун бўйи уйма-уй ташишди. Кимникига яқинлашсак, ўша одам дор остига бораётгандек дир-дир титрайди. Ёлвориш, илтимосга қулоқ солиш қаёқда. Иккита миршаб унинг қўлтиғидан тутиб диконглатганича уйига олиб кириб кетади. Ярим соатлардан кейин изларига қайтишади. Ўша бечоранинг орқасидан хотини, болалари изиллаган, йиғлаган. Ҳалигини яна машинага чиқаришади. «Тарбиявий соат»ни ўтаган бу шўрлик учун ҳали кўргиликлар тугаган эмас. Бундай «салб юришлар» тугагандан кейин яна ҳушёрхонага қайтар эканмиз. Ўша ерда ичкиликнинг зарари ҳақида маъруза ўқилгандан кейингина бизга рухсат беришаркан.

Шаҳар бўйлаб «сайр» давом этаяпти, Жин кўчалару катта кўчаларга кириб, ҳатто шаҳарнинг чекка-чеккаларигача чиқиб кетаяпмиз. Очликдан силлам қуриб, кўнглим озиб бораяпти. Бу миршабларга ҳозир нон ҳақида оғиз очиб кўр-чи, бутун уруғ-аймоғингни келишикка солиб сўкади.

Уйни, хотинимни, фарзандларимни ўйлаб баданимдан ўт чиқиб кетгандай бўлади. Бундан ортиқ шармандалик бормикин?! Қайси гўрданам калламга жонли репортаж ёзиш фикри келиб қолди-я?! Извош остига ўзини ташлаган Эмиль Золянинг ҳам падарига минг лаънат. Эҳ, майор, майор, мени роса чув туширдингиз-да.

Ниҳоят, кеч соат бешларда менга навбат келди. «Тамом» деб ўйладим. Энди болаларим олдида ким деган одам бўлдим. Қўни-қўшнилар бор яна.

Шунда миршаблардан бири шеригига: «Ҳушёрхонага кириб чиқайлик, бир гапни тайинлаб кетиш эсимдан чиқибди», деб қолди. Қалбимда умид учқуни ёнгандай бўлди. Бахтимга майор бўлсин-да.

Астойдил йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деган мақолга энди ишондим. Майор ҳовлида бир-иккита миршаблар билан гаплашиб турарди. Нақ фабриканинг гудогидай ҳайқириб юбордим.

— Ўртоқ майор, жон майор, мени қутқаринг!..

Ҳамма ҳангу манг бўлиб қолди. Майор эса соқолим ўсган юзимга, тугмалари узилиб, тириб дабдала бўлиб кетган кийим-бошимга бир зум ажабсиниб қараб турди. Жон ҳолатда яна бақириб юбордим.

— Ўртоқ майор, бу менман. Кеча келишган эдик-ку, репортаж ёзмоқчи эдим.

Майорнинг юзида ҳижолат излари пайдо бўлди.

— Кечирасиз, — деди у. — Сизни бу ердагиларга тайинлаб кетиш бутунлай ёдимдан кўтарилибди. Ҳозир шу ҳақда гаплашиб турган эдик.

Кабинетига олиб кирди. Ўтиришга таклиф қилиб, бир пиёла чой узатди.

— Хатолик ўтибди, — деб кечирим сўради. — Тун қандай ўтди?

— Зўр ўтди, — дедим ғулдураб. — Ўртоқ майор, ҳушёрхонадагилар ҳужжатимни олиб қўйишди. Иш жойимга хабар беришар экан.

Мана, ҳужжатим қўлимда. Энди уйга кетишим керак. Кеча чўнтагимда етмиш сўмча пулим бор эди. Арақ, коньяк ичдим. Бу ерда жарима тўладим. Мени тутиб келган жойдаги участка бўлимига ҳам ўн беш сўмча жарима тўлашга тўғри келди. Уйга кетишга ҳеч вақо қолмабди.

— Ўртоқ майор, — дедим уст-бошимни кўрсатиб. — Бу ҳолатда кўчада юриб бўлмайди. Уйга етиб олишимга ёрдам берсангиз. Лекин ёнига «милиция» деб ёзилган машина бизга тўғри келмайди.

— Хўп, хайр, ўртоқ журналист, жонли репортажларингизни кутамиз, — деди майор. — Биргаликда маст-аластликнинг пайини бутунлай қирқишимиз керак. Бизларга ҳам осон эмас.

Уйга келиб бўлган воқеани тушунтирдим. Лекин репортаж ёзмадим. Ёзолмадим... Майор муҳарриримизга «Бир журналистингиз зўр репортаж ёзаман деб келиб кетган эди», деб қўнғироқ ҳам қилибди. Муҳаррир: «Ҳушёрхонага ким борган эди?» деб, бир-икки марта суриштирди. Индамай қўяқолдим.

Шундан бери ҳушёрхона, миршабхона, арақхона деганнинг ёнидан бир чақирим четлаб ўтаман...

Абулфайз БАРОТОВ,
«Жиззах чўл қурилиши» бирлашмаси кўп нусхали «Бўстон» рўзномасининг ходими.

Мактубларда эл дарди

ВАЪДАГА ВАФО

Мен бу мактуб орқали ўзим ёки оилам учун бирор нарса сўрамоқчи эмасман, бундай ниятим йўқ. Қўлимга қалам тутқазган ҳамшаҳарларимнинг дарди бўлди.

1982 йил Жалолқудуқ шаҳрида нон комбинати қурилиши режалаштирилган эди. Мана, орадан тўққиз йил ўтди ҳамки, унинг тикланишидан дарак йўқ. Учрамаган раҳбаримизу бормаган остонамиз қолмади. Бир қатор нуфузли ташкилотлар ўз ваъдаларидан тондилар. Қурилиши лозим бўлган комбинат район аҳолисига сув ва ҳаводек зарур. Дўконлар олдида одамлар соатлаб нонга навбатда туришга мажбур бўлмоқдалар. Уларнинг ҳаммасига нон етиши гумон. Ҳар ойда берилаётган ун эса ўлчоғли.

Ҳурматли «Халқ сўзи»! Қуруқ ваъдалар гирдобига ғарқ бўлаётган жалолқудуқликларга ўзинг ёрдам бер. Ваъдани бажариш марднинг иши эканини вилоят матлубот жамияти уюшмаси раҳбарларига эслатиб қўйсанг.

Т. РУСТАМОВ
Андижон вилояти.

ҚУЗА СИНДИРГАН АЗИЗМИ?

Бугун лоқайдлик, бефарқлик, меҳр-оқибатсизлик асримизнинг оғриқли ярасига — фожиасига айланди. Топганини ўртада баҳам кўрадиган, бировдан беминнат ёрдамини аямайдиган, марҳумларга тош отиш у ёқда турсин, бир оғиз ёмон гап айтишдан ўзини тиядиган халқ ўзлигидан юз ўгиришгача борди. Шукрки, ошкоралик, эмин-эркинлик шаббодаси бу хатоларни тузатаяпти, оғриқли яраларни даволаяпти... Даво фақат муолажагагина боғлиқ эмаслиги кўп ҳолларда сезилиб қолаяпти.

Олтмиш ёшгача ҳалол ишлаб қарилик нафақасига чиқаётган киши шаънига ҳамду санолар, мақтову мадҳиялар айтилади. Кеттач эса... бирор марта йўқланмайди ҳам. Марҳумлар ҳақида ҳатто гапирмаса бўлади... Ишга яроқсиз киши эса қадрсизликка маҳкумдир. Бу ҳол жамиятимизнинг қомусларга кирмаган қонунига айланиб қолган.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти тупроқшунослик кафедраси раҳбари, жумҳуриятда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, профессор, марҳум Акрам Расуловнинг хотираси ҳам қадрсизлик сабаб озор топмоқда. Етук олимнинг вафот этганига етти йил бўлди. Бу — тарих учун оз муддат. Бироқ... Бир фан доктори, 25 нафар фан номзоди, қолаверса, минглаб етук мутахассислар тайёрлаган шахс хотирасини абадийлаштириш ҳақида ҳеч ким — на олийгоҳ, на шаҳар раҳбарияти жон қойитишяпти. Олим яшаган Кўкча даҳаси Оқлон (ҳозирги Наврўз) маҳалласида Шишкин номли мактаб, Коробов, Комаров, Клиновская, Кирпинская сингари ўнлаб кўчалар бор. Ҳар гал юқоридаги номларга кўзим тушганда халқимизнинг «Сув келтирган хорзору кўза синдирган азиз» деган нақлини армон билан эслайман.

Мен ушбу сатрларни А. Расулов укам бўлганлиги учун эмас, олим бўлганлиги, қолаверса, «сув келтирган» қадрсизлар жумҳуриятимизда ўнлаб, ҳатто юзлаб топилиши мумкинлиги учун ёзаяпман.

Адҳам РАСУЛОВ,
медицина фанлари номзоди.

АНДИЖОНДАН ЭШИТИНГ

БОБУР МУКОФОТИ

Андижоннинг тилни ёрар ширин-шакар қовун-тарвузлари, тилларанг узумлари, жаннатмакон боғлари таърифини эшитгансиз. Э-ҳе, у кимларни мафтун қилмаган. Шул юртнинг суюкли ўғлони Мирзо Бобур ҳам умрининг охирига қадар туғилган тупроғини қўмсаб дунёдан армон билан ўтиб кетди.

Пахта яккаҳокимлиги боғбонларнинг қўлини калта, боғларини сийрак қилиб қўйди. Ҳайриятки, энди яна эзгуликка қўл урилаяпти. Яқинда вилоят деҳқончилик саноати комплекси ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси Бобур мукофотини таъсис этди. У вилоятда боғдорчиликни ривожлантирган, янги сўлим масканларни бунёд этишда фаоллик кўрсатган миришкорларга берилади. Мукофотни қутлуғ кун — Наврўз байрамида топширишга келишилди.

ФАХРИЙЛАР ЕЛҒИЗ ҚОЛИШМАЙДИ

Йўғон чўзиладиган, ингичка узиладиган замонда ишбилармонлик билан йўл тутилмаса, бармоқ тишлаб қолиш ҳеч гап эмас. Қўрғонтепа район уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари кенгаши уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун амалий қадам ташлади. Ўзаро манфаатдорлик асосида хўжаликлар билан шартнома тузиб ер олишмоқда. «Савай» давлат хўжалиги, «Қорасув», «Энгельс» жамоа хўжаликларидан олинган 2—3 гектар майдонга пиёз экилди. Мақсад — ишлаб топилган маблағ эвазига фахрийлар оғирини енгил қилиш, саломатлигини тиклаш.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

Андижонлик «Ойнаи жаҳон» мухлислари яна бир қулайликдан баҳраманд бўлдилар. Улар 30 йилдан сўнг (биринчи вилоят телекўрсатуви 1962 йилда бошланган, кейин тўхтатилган) яна маҳаллий талакўрсатувларни томоша қилишмоқда. Кўрсатувлар жума кунлари бир соатдан намойиш этилади ва вилоят меҳнаткашларининг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

ХОРИЖЛИКЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК

Ниҳоят, томоғига қадар қарзга ботиб бораётган Андижон ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси иқтисодий тушкунликдан қутуладиган бўлди. Корхона маҳсулотлари жаҳон бозорига йўл олади.

Швейцариянинг «Риэтр», Германиянинг «ЛТГ» фирмалари бирлашма ип-йигирув фабрикасини қайта қуриб, замонавий жиҳозлар ўрнатишга жамоа билан шартнома имзоладилар.

«Риэтр» фирмаси келишувга мувофиқ сўнгги нусхадаги автоматлашган дастгоҳлар ўрнатади. Улар компьютер орқали бошқарилиб бир неча операцияларни юқори аниқликда бажаради. «ЛТГ» фирмасида ишлаб чиқарилган чанг ушлаб қолувчи мосламалар чиқиндиларни қайта ишлайди ва улардан маҳсулотлар тайёрлайди. Шуниси муҳимки, замонавий жиҳозлар ўрнатилгач, фабрикада бор-йўғи 100 киши меҳнат қилади, холос.

Корхонанинг харажатлари ҳам оз эмас. Буюртмачи бажарувчиларга 46 миллион Швейцария франки тўлайди. Қарздан қутулишнинг йўли бор. Бирлашма ўзи ишлаб чиқараётган толанинг бир қисмини сотиш ҳуқуқига эга. «Итхарт» фирмаси ана шу маҳсулотни сотиб олишга дастлабки харидор бўлди. Қолаверса, корхонинг йигирма нафар йигит-қизи Швейцариянинг Цюрих шаҳрига ўқишга бориб, малака оладиган бўлдилар.

ҲИММАТ

Пахтаобод райони кенгаши мутасаддилари иқтисодий танглик шароитида ёрдамга муҳтожларга кўмак қўлини чўзишаётир. Яқинда ёлғиз, қаровчисиз аёллар — Мунисхон Худойбердиева, Валентина Зубковага давлат уйлари бепул берилди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БОШ МУҲАРРИР Аҳмаджон МУХТОРОВ

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй

Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64608. Буюртма № 6307. 118800 нусхада чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент шаҳри 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй.

Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 23.45. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12